

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



Дўстлик

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ИИБ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

№ № 35 — 36

(2572 — 2573)

1993 йил

7 МАЙ

ЖУМА

СОТУВДА ЭРКИН
НАРХДА

Ғалаба байрамингиз билан!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳайъати аъзолари, раҳбарияти ва шахсий таркиби номидан барча Улуғ Ватан уруши қатнашчиларини, уларнинг оила аъзоларини 9 май — Ғалаба байрами билан қизғин табриклайман.

Сизларга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, оилангизда фаровонлик, ёш авлодни она Ватанимиз — мустақил Ўзбекистонимизга садоқат руҳида тарбиялашдек эзгу ишларингизда муваффақиятлар тилайман.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири,
ички хизмат генерал-лейтенанти
З. АЛМАТОВ.

(Ғалаба кунига бағишланган материаллар билан газетамизнинг 3-саҳифасида танишасиз).



РИСОЛАЛАР МУҲОКАМАДА

Қибрай тумани ички ишлар бўлимида бўлиб ўтган анжуман Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг "Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли" ҳамда "Ўзбекистон — келажак буюк давлат" рисолалари муҳокамасига бағишланди.

Анжуманни туман ички ишлар бўлими шахсий таркиб билан ишлаш бўйича бошлиқ муовини, милиция капитани Тошхўжа Абдуқодиров кириш нутқи билан очди:

— Республикамиз мустақил давлат деб эълон қилинганга бир ярим йилдан ошди. Шу давр ичида уни жаҳондаги 150 дан зиёд мамлакат эътироф этди. Айни пайтда ижтимоий ҳаётимизда қатор ислохотлар изчиллик билан амалга ошириляпти. Бундан илҳомланган ёзувчилар, фан намоёндалари, давлат, жамоат арбоблари янги жамият ва унинг муаммолари ҳақида матбуотда мазмунли мақолалар эълон қилмоқдалар.

Президентимиз Ислон Абдуганиевич Каримовнинг рисолаларида худди шу муаммолар ўз ечимини топган ҳамда Ўзбекистоннинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти қайси йўлдан бориши, янги иқтисодий муносабатларга қандай ўтилиши, қай ҳолда демократик давлат барпо этилиши, инсоннинг ҳуқуқий, миллий қадриятлари қай ўта ҳаётий ва долзарб масалалар ҳар жиҳатдан мушоҳада қилинади ва ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан асослаб берилади.

Умуман Республика Президентининг ҳозирги қийин иқтисодий шароитда аҳоли учун тинч ҳаёт, ижтимоий адолат, миллатлараро муносабатлардаги тенглик борасида тутаётган йўлини қўллаб-қувватлаймиз. Ўз вазифасини суиистеъмол қилувчиларга, халқ мулкни талон-торож этувчиларга, уюшган жиноятчиликка қарши кураш юзасидан бошлаган ташаббусини маъқуллаймиз.

Яқинда Жиззах ҳамда Сурхондарё вилоятларида ўтказилган халқ ноибларининг Кенгашларида Ислон Каримов сўзлаган нутқларни матбуотда ўқиб, ниҳоятда ҳаяжонландик. Республикамизда жиноятчиликка қарши кетаётган кескин кураш, аҳолининг заиф табақаларини ҳимоя қилишда қабул қилинаётган қарорларни, мавжуд муаммоларни собитқадамлик билан ҳал этилаётгани

давлатимизнинг келажакда буюк мамлакатга айланиши муқаррарлигини кўрсатмоқда.

Анжуманда Тошкент Давлат аграр дорилфунунининг иқтисод куллийети декани, Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг мухбир аъзоси, профессор Болташ Абдалимов сўзга чиқиб, ҳар икки китоб хусусида батафсил тўхталди:

— Бугунги кунда Республикамиз Президенти Ислон Каримовнинг бу китоблари аҳоли томонидан катта қизиқиш билан ўқилиб, кенг муҳокама қилинмоқда. Бу рисоалар бизга истиклолнинг моҳиятини англашга ёрдам беради, мустақиллик учун иқтисодий, сиёсий ва маданий-маънавий соҳаларда буюк ўзгаришлар қилишимиз зарурлигини таъкидлайди.

Мен бу ҳар икки рисолаи зўр иштиёқ билан ўқиб чиқдим. Унинг амалий аҳамияти нимада ва у аҳолининг турли табақаларини қайси жиҳатлари билан қизиқтириш мумкин? Сизларнинг эътиборингизни ана шу муҳим масалаларга қаратмоқчиман. Авваламбор, китобда Ўзбекистон Республикасининг ўз йўли — унинг ривожланиш шароитлари ва истикболлари чуқур очиб берилган.

Президентимиз ўз китобларида бошқа давлатлар тараққиёти жараёнида тўпланган ва республика шароитида ҳаётга тадбиқ қилса бўладиган барча ижобий ва мақбул тажрибалардан шак-шубҳасиз самарали фойдаланади.

"Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли" асари мураккаб тарихий шароитда, ана шу шароитни тўла масъулият билан англаган ҳолда оқилона ёритган. Асар муаллифи бу мураккаб жараённинг гувоҳига эмас, бевосита иштирокчиси ва амалга ошираётган ишларнинг ташкилотчиси сифатида намоён бўлади.

Шундан сўнг туман жамоат тартибини сақлаш бўлими нозир, милиция катта лейтенанти Жумабой Мамадалиев, балоғат ёшига етмаганлар билан ишлаш катта нозир, милиция капитани Жалолддин Умаровлар сўзга чиқдилар. Анжуман сўнгида туман шахсий таркиби номидан Республика Президенти Ислон Каримовга мактуб йўлланди.

М. ТИЛЛАЕВ.

Муҳим вазифалар белгиланди

Яқинда Тошкент вилояти ИИБ доимий кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Тошкент вилояти ички ишлар идораларидаги оператив-хизмат фаолиятининг 1993 йил биринчи чораги яқунлари ва иккинчи чорак мобайнида амалга ошириладиган асосий вазифалар тўғрисида ички ишлар бошқармаси ўрдаси бошлиғи, ички хизмат

подполковниги Т. Рихсиев гапирди. Нотик ҳар томонлама таҳлиллар ва аниқ далиллар асосида вилоят ички ишлар ходимлари амалга ошираётган ишларга батафсил тўхталди. Ички ишлар идоралари ходимлари қўлга киритган ютуқлар ва йўл қўйган камчиликлар ҳамда уларни тезроқ бартараф этиш йўллари ҳақида батафсил

гапирди. Йиғилишда ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари, милиция полковниги Б. Ҳақимов ва милиция майори Ш. Икромовлар сўзга чиқдилар ва ИИБ олдида турган муҳим вазифалар ҳақида гапирдилар.

Йиғилиш сўнгида қўрилган масала бўйича қарор қабул қилинди.

Х. ОЛЛОНазаров.

ҚИБРАЙ кўргонида 11 та маҳалла кўмитаси фаолият кўрсатади. 20 минг аҳолиси бор. Уларнинг тинчлигини сақлаш учун бу ерда участка вакили хизмат қилишади. Шу кунгача бу ерда 24 та жиноят содир этилган бўлиб, шундан 18 таси очилган. Қолганлари эса ҳозирги кунда ўрганилмоқда.

Участка вакиллариининг жамоатчилиги билан фаол иш олиб боришлари натижасида бу ерда нисбатан тинчлик сақланишига эришилмоқда, содир этилган жиноятлар тезда очилмоқда.

Суратда: катта участка вакили, милиция майори Равшан Нўъмонов маҳалла фаоллари даврасида.

Икки жума оралиғида

ТАЛОНЧИЛАР ҲИБСДА

Қўқонлик А. Б. Тошкентдаги Шимолий темирйўл шоҳбекати ИИБга мурожаат қилиб, поездда Москвадан келаятган вақтида Чингелди-Сариёғоч темирйўл бекатлари оралиғида уч номаълум шахс уни калтаклашиб, қирқма милтик ва нунчак билан кўрқитиб, ёнидаги 2200 сўм пулини тортиб олишганини маълум қилди.

Қўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида талончилар ушланди. Улардан ашёвий далил сифатида қирқма милтик, нунчак, қўлбола пичоқ топилди.

ҚОТИЛЛАР ИҚРОР БЎЛИШДИ

Қамаши туманидаги қўрилиш-таъмирлаш бошқармасининг ишчиси, 1954 йилда туғилган О. Р. сирли ҳолатда йўқолиб қолгани кўпчиликини ҳайратга солди. Туман ИИБ ходимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли у болалар богчаси ишчиси А. Қ.нинг уйига меҳмонга боргани аниқланди.

Тергов пайтида А.Қ. ўғли К.Ж. билан меҳмонни ўлдириб, жиноятни яшириш мақсадида мурдани уй орқасига кўмишларига иқрор бўлишди.

БЕНЗИН ЎҒРИЛАРИ

Фарғона шаҳар ИИБ ходимлари 2504-автокорхонага қарашли, И. М. бошқарувдаги "КамАЗ-540" белгили, 26-88 ФЕН рақамли автомашинани тўхтатиб, уни кўздан кечиришганда 17640 литр бензин ёнилгиси топилди.

Маълум бўлишича, ҳайдовчи бу ёнилгисини Фарғона вилояти божхонаси ходими, милиция кичик сержанти Қ.Қ. билан Олтиариқ тумани нефтни қайта ишлаш заводида қарашли қуварни тешиб, ўғирлаб келишган экан.

НИЯТИГА ЕТОЛМАДИ

Қозғистон Республикасининг Акмолинск шаҳридан Самарқандга келган, ҳеч қаерда ишламайдиган Э.И.нинг ёнидан 8,5 килограмм кўкнори топилди. Э.И. Самарқандга сафар қилиш баҳона 3—4 сўм пул ишлаб олмоқчи эди. Бироқ ниятига етолмади.

ЖОН ШИРИН ЭКАН...

Бойсун туманидаги "Ҳамза" давлат хўжалигининг ишчиси Ф.Н. уйда маст ҳолатда туман ИИБ рўйхатидан ўтказилмаган 98688 рақамли 16 калибрли ов милтигидан ўқ узиб 7-синфда таҳсил кўрадиган қизни Ҳабибани отиб ўлдирди. Сўнг қотил ўша милтиқдан ўқ узиб, ўз жонига қасд қилмоқчи бўлди. Бироқ жони ширинлик қилди. У енгил жароҳат билан шифохонага ётқизилди.

КОМПЬЮТЕР ЎҒИРЛАНДИ

Навоий шаҳридаги қўрилиш бошқармаси биносидан бир дон "Ай-Би-Рс/Хт" маркали компьютер ўғирлаб кетилди. Тергов ишлари олиб борилмоқда.

МАНБА АНИҚЛАНМОҚДА

Мирзо Улугбек туманида олиб борилган навбатдаги тезкор тадбир пайтида Тошкент трактор заводи слесари, 1949 йилда туғилган В.Т.нинг ёнидан "РГД-3" жанговар граната, уйдан эса АКМ автоматининг 270 дон ўқи, иккита ўқдон, 12 та электр портлатгич модда, тўрт қутн порох, йирик калибрли пулемётнинг етти дон ўқи топилди. Ўқ-дорилар манбаи аниқланмоқда.

СОТИЛГАН ҚИЗАЛОҚ

Пастдарғом туманидаги Найманобод жамоа хўжалиғида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган К. Х. фирибгарлик йўли билан Жума шаҳридаги Туркистон кўчасида истиқомат қиладиган уй бекаси, 1964 йилда туғилган Р. К.га беш ойлик қизчасини болалар уйига жойлаштиришда ёрдам бермоқчи бўлди. Бироқ қизалоқни олгач, ниятини ўзгартириб, Самарқанд туманидаги Қосимов жамоа хўжалиғи аъзоси Ш. Қ.га 5000 сўмга пуллаб юборди. ИИБ аралашгач, қизалоқ онасига қайтарилди.

ЖИНОЯТЧИ ҚИДИРИЛЯПТИ

Самарқанд шаҳридаги Ҳайдаров кўчасида қолдирилган "ВАЗ-2106" белгили, П 62-36 СН рақамли автомашинани ойнасини номаълум шахс синдириб, унинг ичидан "Киев" фотоаппарати, ёритиш ускунаси ва 172 000 сўм пулни ўғирлаб кетди.

Жиноятчини аниқлаш ва ушлаш чоралари кўриляпти.

Т. МУРОДОВ.

ЯНГИ ХИЗМАТНИНГ ШАКЛАЛАНИШ ДАВРИ

Мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси ИИБ таркибидаги янги хизмат — суриштирув бўлимининг бошлиғи, милиция подполковниги Р.Вишняков билан учрашиб, ундан бир қатор саволларга жавоб беришни илтимос қилди.

— Руслан Александрович, бўлиминг тузишдан қандай мақсад кўзланган?

— Суриштирув хизмати республика ички ишлар вазирининг буйруғи билан 1992 йил январда ташкил этилди. Унда кўп эмас — бўлим бошлиғи билан бирга жами олти киши ишлайди. Суриштирувга доир ишлар марказлаштирилган раҳбарият томонидан бошқарилмаганлиги бир қанча муаммоларни келтириб чиқараётган эди. Бу камчиликни тугатиш, албатта, бирдан-бир мақсадимиз эмас. Гап шундаки, ички ишлар идораларининг тармоқ хизматлари ва суриштирув олиб борувчи ходимлари бугунги кунда ҳамма жиний ишларнинг салкам учдан бирини текшириш билан шуғулланмоқда. Бошқача айтганда, бу йўналишда бажарилаётган ишнинг ҳажми анча салмоқли. Шундай бўлсада, илгари ИИБ аппаратида ҳам, ИИБ даражасида ҳам бундай иш-ни мувофиқлаштирувчи раҳбарият мавжуд эмас эди. Натижада суриштирувни амалга оширишга мажбур бўлган хизматлардан ҳам, уни олиб борувчилардан ҳам тегишли даражада талаб қилинмас эди. Суриштирувга ягона ёндашувнинг йўқлиги унга бўлган талабларнинг услубий хилма-

хиллигига сабаб бўлган.

Тармоқ хизматларида маълум сабаблар билан ходимлар ўзгаради, фахрийлар ўрнига ёшлар келади. Уларга протокол шакли нимадиги, суриштирув вазифалари қандай моддалар бўйича амалга оширилиши, жиний қидирув бўлими, иқтисодийдаги жиноятларга қарши кураш бўлими нозир, участка вакили ёки суриштирув олиб бораётган бошқа ходимларга у ёки бу ҳолда айнан нима иш қилиши кераклиги ҳусусида сабоқ бериш зарур. Янги хизмат ана шу ишларнинг ҳаммаси билан шуғулланади. Биз тегишли ходимларнинг вазифалари мафассал кўрсатилган махсус тавсияларнинг услубий тўпламини ишлаб чиқдик ва у тез орада жойларга юборилади.

— Дарвоқе, протокол шакли нима ва суриштирувга ҳозир қандай талаблар қўйилмоқда?

— Катта ижтимоий хавф тугдирмайдиган ва жиний иш қўзғатилмайдиган жиноят факти бўйича суриштирув ўтказилган ҳолларда протокол шакли расмийлаштирилади. Ўзбекистон Республикаси Жиний процессуал мажмуасининг 380-моддасида ана шу тартиб белгиланган.

Республика ички ишлар бўлимида суриштирув

ходимларининг терговчилар миқдориға ўзаро нисбати ўндан бирдир. Ўтган йили 16 минг иш тергов учун қабул қилинди, жами эса 35,5 минг материал қараб чиқилди. Улар орасидан безорилик фактлари (модданинг II қисми) бўйича 350 иш, харидор ва буюртмачиларни алдан бўйича салкам 1300, алимент тўлашдан узоқ вақт қочиб юриш бўйича салкам 450, савдо қоидаларини бузиш бўйича 150 дан ортиқ, чайқовчиликка оид 400 дан ортиқ иш якунланди. Хизмат шаклланиш даврини ўз бошидан кечирмоқда, кўпгина вилоятларда унга бўйсунувчи бўлимлар ҳозирча ташкил этилганича йўқ. Пойтахт ИИББ, Сирдарё, Жиззах ИИБлар ва Ўрта Осиё темир йўли ИИБда ҳали бўлимларимиз умуман ташкил этилган эмас. Ҳозирги вақтда ИИБ раҳбарияти уларни ташкил этиш чораларини кўрмоқда.

Иш аста-секинлик билан йўлга тушиб бормоқда. Биз республикамизнинг бир қатор жойларида бўлиб, ишлар аҳволи билан танишдик, уларни характерлайдиган шарҳлар тайёрладик ва уларни жойларга юбордик, суриштирувга раҳбарликни амалга ошираётган ходимларнинг республика кенгашини ўтказдик.

— Сизнингча, ана шу бўлимларнинг вилоят идораларидаги мақоми қандай бўлиши керак?

— Фикримча, Тошкент

ИИБда суриштирув билан шуғулланидиган ходимларнинг сони кўп эканини ҳисобга олиб, тегишли бўлим ташкил этилиши зарур, Тошкент вилояти ИИБда эса кичик бўлим ишлаб турибди. Вилоят идораларида суриштирув ишининг аҳволи устидан назорат қилувчи гуруҳлар ташкил этилиши керак.

— Суриштирувни амалга оширадиган ходимлар жиноятларни очишда иштирок этишмоқда, дейиш мумкинми?

— Албатта. Улар томонидан ўтган йил давомида 900 дан ортиқ жиний иш текширилганини айтиш кифоя қилса керак. Ҳисобга олинмаган 200 дан ортиқ жиний хатти-ҳаракат қўшимча равишда аниқланди ва очилди.

— Суриштирув олиб борувчи ходимга қандай талаблар қўйилади?

— У олий ҳуқуқий маълумотга, амалий ишда етарли стажга, пухта касбий кўникмаларга эга бўлиши керак. Шунинг учун суриштирувни олиб борувчилар ва бошқа хизматларда ана шу йўналиш бўйича ишлаётган ходимларни тайёрлашга катта эътибор беришга ҳаракат қилишимиз. Гап яна шундаки, суриштирув аппаратининг кадрлари тергов учун яхши резерв ҳамдир. Шу нарса характерлики, айрим ҳолларда терговчилар олиб бориши керак бўлган ишлар прокурорнинг ижозати билан суриштирув ходимларига топширилади. Пойтахт ИИБда дастлабки суриштирув ходимлари терговчи вазифасини бажарувчи ҳисобланади, улар ишни

суриштирув йўли билан ҳам, тергов йўли билан ҳам текширадилар. Бошқача айтганда, ҳаётнинг ўзи баъзан бунда аниқ чегаралашни истисно этади. Тўғри, процессуал қонундан четга чиқишларга ҳам йўл қўйилмайди. Штатида суриштирув ходимлари бўлмаган бўлимларда ишларни тергов қилиш сифатининг пастлиги характерли. Масалан, лавозимлар рўйхатида бундай бирликлар бўлмаган транспорт ички ишлар идораларида суриштирув йўли билан текшириладиган ишларнинг анчагина қисми тўхтатилади.

— Тегишли хизматнинг йўқлиги сабабли қатъий талаб қилиб бўлмаяпти, демоқчимисиз?

— Шундай бўлиб чиқаяпти. Ҳолбуки суриштирув ходими ашаддий жиноятчилар билан эмас, балки оддий фуқаролар билан иш олиб боради. Унинг фаолияти деярли ҳамма вақт кенг халқ оммасининг кўз ўнгиде ўтади. Шу сабабли суриштирув ходимининг ҳар қандай нотўғри хатти-ҳаракати, ноҳилислиги, қонунларни бузиши алоҳида акс садо беради. Шунинг учун суриштирув йўналиши бўйича ишларни текшириш сифатида оширишга алоҳида эътибор бера бориб, биз кўп жиҳатдан милициянинг обрўсини мустаҳкамлаш, қонунларнинг янада аниқ-пухта бажарилиши тўғрисида раҳмхўрлик кўрсатган бўламиз.

Н.НЕҒМАТОВ суҳбатлашди.

БИЗНИНГ МУСОҲАБА

Баланд бўйли келбатли Х. Ҳазратқулов ҳақида ҳамкасблари: "Халилжон жиноят-қидирув бўлимида ишлаш учун тугилган" деб бекорга таърифи келтиришмайди. Унинг ички ишлар идораларидаги ўн тўрт йиллик хизмат фаолияти жиноят-қидирув бўлими билан боғлиқ. Шу вақт давомида у оддий нозирликдан жиноят-қидирув бошқармасининг уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш бўлими бошлиғи, милиция майори даражасига кўтарилди. Қўқон шаҳар ва туман ички ишлар бўлими бошлиғининг биринчи муовини вазифаларида хизмат қилди.

1991-1992 йилларда Тошлоқ тумани ички ишлар бўлимини бошқарди. Унинг ажал билан юзма-юз келган вақтлари кўп бўлди. Лекин адолат хизматчиси Халилжон ўлимдан чўчимади, унга тик борди. Уни бунга нима мажбур қилди?

Бугунги мусохабамиз ана шулар ҳусусида.

МУХБИР: — Собик иттифоқ тарқаб кетгандан сўнг бир қанча ўлкаларда турли хил кўнгилсизликлар, миллатлараро келишмовчиликлар бўлиб турибди. Баъзилар бунинг асосий сабабларини — ҳокимиятнинг издан чиққанлигига ва қаттиққўл қонуннинг йўқлигига йўйишмоқда. Сизнинг бу борадаги фикрингиз қандай?

Х. ҲАЗРАТҚУЛОВ: — Деярлик 70 йил ҳукмронлик қилган "Қизил империя" тугагани билан унинг асорати ҳали кўп йиллар давомида ўз таъсирини кўрсатадиганга ўхшайди: одамлар ўртасидаги меҳр-оқибат анча йўқолиб бораётгани мени кўпроқ ташвишга солаётир. Кундалик маълумотномага кўз ташласак, турли жойларда кўплаб ўғирликлар, қасддан одам ўлдириш, босқинчилик ва

талончиликлар содир этилаётганининг гувоҳи бўламиз. Гўё жойларда ҳокимият, ҳуқуқни муҳофаза қиладиган идоралар йўқдай.

Аммо Республика Президенти И. А. Каримовнинг шахсан ташаббуслари билан Ўзбекистонда жиноятчиликка қарши кескин ўт очилди. Бу тез

ва кўйи ташкилотларимиз ходимлари учун жиддий синов даври бўлди. Ходимларимиз томонидан бир неча катта уюшган жиний гуруҳлар қўлга олинганидан хабарингиз бор. Бу

кунда ўз самарасини бера бошлади. Осойишталик посбонларининг саъй-ҳаракатлари туфайли жиноятчилар бирин-кетин аниқланиб, ҳибсга олинмоқда. Биз, ички ишлар идоралари ходимлари бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхшироқ ишлашимиз даркор.

Иттифоқ масаласига келсак, республикамиз мустақил бўлди, бу яхши. Бироқ ҳамдўстлик ҳам керак.

Сабаби ҳамкорликда гап кўп, деб ўйлайман. Баҳамжизатлик билан ишланса ҳозирги иқтисодий қийинчиликлардан осонроқ чиқамиз. Бизнинг соҳада эса бирлик бўлмаса уюшган жиноятчиларга қарши курашиб бўлмайди. Масалан, бизнинг ҳудудимизда содир этилган жиноятнинг бир уч қўшни республикаларга бориб тақалиши мумкин. Шундай вақтларда ҳамкорликнинг қадри жуда билинади.

МУХБИР: — Сиз бошқараётган бўлим ходимлари ўтган йилнинг сўнгги ойида жиддий изланишлари туфайли бир неча уюшган жиний гуруҳларни қўлга олган эди. Кейинги пайтдаги натижалар билан ўртоқлашсангиз.

Х. ҲАЗРАТҚУЛОВ: — Ўтган йилнинг сўнгги ойлари бўлимининг

ва кўйи ташкилотларимиз ходимлари учун жиддий синов даври бўлди. Ходимларимиз томонидан бир неча катта уюшган жиний гуруҳлар қўлга олинганидан хабарингиз бор. Бу

кунда ўз самарасини бера бошлади. Осойишталик посбонларининг саъй-ҳаракатлари туфайли жиноятчилар бирин-кетин аниқланиб, ҳибсга олинмоқда. Биз, ички ишлар идоралари ходимлари бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхшироқ ишлашимиз даркор.

Иттифоқ масаласига келсак, республикамиз мустақил бўлди, бу яхши. Бироқ ҳамдўстлик ҳам керак.

Сабаби ҳамкорликда гап кўп, деб ўйлайман. Баҳамжизатлик билан ишланса ҳозирги иқтисодий қийинчиликлардан осонроқ чиқамиз. Бизнинг соҳада эса бирлик бўлмаса уюшган жиноятчиларга қарши курашиб бўлмайди. Масалан, бизнинг ҳудудимизда содир этилган жиноятнинг бир уч қўшни республикаларга бориб тақалиши мумкин. Шундай вақтларда ҳамкорликнинг қадри жуда билинади.

МУХБИР: — Сиз бошқараётган бўлим ходимлари ўтган йилнинг сўнгги ойида жиддий изланишлари туфайли бир неча уюшган жиний гуруҳларни қўлга олган эди. Кейинги пайтдаги натижалар билан ўртоқлашсангиз.

Х. ҲАЗРАТҚУЛОВ: — Ўтган йилнинг сўнгги ойлари бўлимининг

сўмлаб пул бериб келишган. Энди уларнинг тили чиқмоқда. Агар улар бу ҳақда ички ишлар бўлимига ўз вақтида хабар беришганда эди, кўп жиноятларнинг олди олинарди.

Бундай жиноятчи гуруҳларни аниқлаб, уларнинг илдизини тамомла куриштида авваламбор, вилоят ҳокимининг

биринчи муовини Авазхон Мухторов ҳамда бошқармамиз бошлиғи, милиция подполковниги Шукрулло Қодирович Рўзमतовларнинг ёрдамлари беқиёсдир.

МУХБИР: — Жамоатчиликка таяниб иш юритиш ҳақида яхши натижалар беради. Бўлинма ходимлари жамоатчилик билан қандай алоқа ўрнатилган?

Х. ҲАЗРАТҚУЛОВ: — Жамоатчилик катта куч. Ватанпарвар шоиримиз Чўлпон "Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!" деб, бекорга айтмаган. Жамоатчиликнинг яқиндан берган ёрдами билан биз бугунги кунда катта ишларни амалга ошираётимиз! Ҳозир маҳаллаларда, катта завод, фабрикалар атрофларида ҳаракатдаги милиционерлар фаолият кўрсата бошлашди. Уларга халқ дружиначилари яқиндан ёрдам бермоқда. Фарғона шаҳридаги Шакарқишлоқ ва 24-маҳалла кўмиталари, Қирғули шаҳарчасидаги "Азот" бирлашмаси ҳамда нефтни қайта ишлаш заводи жамоалари олиб бораётган ишлар таҳсинга лойиқдир.

МУХБИР: — Уюшган жиноятчилар, деб кимларни айтади?

Х. ҲАЗРАТҚУЛОВ: — Агарда

МУХБИР: — Уюшган жиноятчилар, деб кимларни айтади?

Х. ҲАЗРАТҚУЛОВ: — Агарда

бир йил давомида ёҳуд ундан ортиқ вақт мобайнида "фаолият" кўрсатган жиний гуруҳ бўлса, бундайлар уюшган жиноятчи гуруҳлар ҳисобланади. Улар доимо пишиқ-пухта иш қилишга ҳаракат қиладилар. Жиноятчилар орасида ҳар бир иш тақсимланади. Ҳаттоки, уларнинг мабодо қўлга тушса, "қора кунга" аталган жамғармалари ҳам бўлади. Мана шундай жиний гуруҳлардан бирига муқаддам судланган, Зуфар исмли тошкентлик йигит раҳбарлик қилган. Мазкур гуруҳда 15 дан ортиқ жиноятчи бирлашгани маълум бўлди. Улар содир этган жиноятлар ҳақида оқорида тўхталдик. Бу гуруҳдаги жиноятчиларнинг кўпчилиги 20 ёшдан ўтган навиқрон йигитлардир.

Энг қизиги, кўпчилигининг ота-оналари бор. Бироқ улар фарзандларининг эрта кетиб, кеч келиб юришлари, нима ҳисобига яхши кийиниб юришлари билан қизиқишмаган. Маҳалла-куйдаги ёш қарилар уларнинг "машгулотлари"ни кўра-била туриб, ўзларини билмаганга олиб юришган. Бу каби лоқайдликлар жиноятчиларни эркин ҳаракат қилишларига йўл очиб берган, десак адашмаймиз.

Энг ачинарлиси, "Қизил империя" даврида бизда ҳам уюшган жиноятчилар борлигини била туриб уни яшириб келдик, социализмга ёт иллат, дедик. Оқибатда бугунги кундаги кўплаб нохушликлар келиб чиқмоқда. Яхшиямки, ҳурматли Президентимиз буларга қарши кураш учун фотиҳа бердилар. Энди жиноятчиларга бир кун, бир соат ҳам тинчлик бермаймиз.

МУХБИР: — Бундан кейинги ишларингизда муваффақиятлар, ўзингизга, оилангизга, сизнинг саломатлигига тилаб қоламиз.

Х. ҲАЗРАТҚУЛОВ: — Ташаккур!

Суҳбатдош: Саминжон ҚОРАБОЕВ, Фарғона вилояти ИИБ матбуот гуруҳи катта нозир, милиция лейтенанти.



ЖАНГОВАР ГЕНЕРАЛ

Қирғизистон Давлат педагогика институтининг физика-математика факультетини ботириб, ўқитувчилик қила бошлаган Бурхон Сирожидинов Қизил Армияга чақирилганда артиллерия бўлимасига юборилган эди. Олий маълумотли бир гуруҳ йигитлар Ростов-Донга келтирилиб, 203 миллиметрли тўплар билан таъминланган 138-гаубица-артиллерия полкига аскар қилиб олинди. Икки ойлик полк мактабида ўқигач, Бурхон катта сержант унвонида взвод командирининг ёрдамчиси қилиб тайинланди.

1941 йил 22 июнда уруш бошланди. Митинг ўтказилди. Олий маълумоти борлар Ростов артиллерия билим юртига ўқиш учун юборилди. Бир оз муддат ўтгач Б. Сирожидинов имтихонларни олдиндан топширди ва 1941 йил августида кичик лейтенант унвонини олди.

Август охирида полк Краснодарга келди. Совинформбюро кечкурун соат 9 да Қизил Армия қисмлари душмanning устун кучлари сикувида, огир жанглардан сўнг каттагина талафотлар кўргани ва кўпгина аҳолигоҳларни ташлаб чиққанини хабар қилди.

1941 йил сентябрида танкка қарши тўплардан иборат 995-артиллерия полки ташкил этилди ва фронтга юборилди. Сирожидинов топографик разведка взводи командири қилиб тайинланди. Унинг ихтиёрида 30 солдат ва юк машинаси бор эди.

Полк Смоленска яқинлашганида немисларнинг ҳужуми давом этмоқда эди. Ўрмонга жойлашдилар. Тўпларимиз аниқ мўлжалга уришга қарамай, Смоленск—Москва тош йўлидан немис танкларининг босиб келишини тўхтатиб бўлмади. Полкнинг ташқи дунё билан алоқаси узилди. Фашистлар уни икки томондан айланиб ўтди, қисм қуршовга тушиб қолди. Командир ўрмон орқали ёриб ўтишга қарор қилди. Чекиниш пайтида ботқоққа тушиб қолдилар, тўп ва автомашина ботиб қолди. Кундуз кун полк самолётлардан ўққа тутилди, бизникиларда эса зенит тўплари йўқ эди. Озиқ-овқат тамом бўлди. Нима қилиш керак? Офицерлар йиғилишиб, тўплар, техника ва автомашиналар душман қўлига тушмаслиги учун сафдан чиқарилиши, тўпларнинг затворини ботқоққа ботириб, стволларини лой билан тўлдириш, бузиш мумкин бўлмаган нарсаларни портлатиш кераклиги тўғрисида қарор қилишди.

Қуршовдан чиқиш учун тош йўлнинг икки томонига душмanning четлатиб турадиган зарбдор гуруҳлар қўйилди. Полк

қуршовдан чиқиб, Москва томон йўл олди.

Дубки деган жойда тўхтаб, қисм қайтадан ташкил этилди. Бир оз муддат ўтгач, у пойтахт бўсағасидаги жангларда иштирок эта бошлади.

Сирожидинов биринчи маротаба 1941 йил октябрида яраланди, ўшанда Гжатск яқинидаги жангда ёнида снаряд портлаган эди. Бу жангда яраланганларга йигув пунктида дастлабки ёрдам кўрсатилган, яралар боғлангач яна жангга кириб кетган эдилар.



Сирожидинов ўз полки билан Белоруссия, Польша, Шарқий Пруссияни озод этишда иштирок этди. 1944 йил июлда артбригада разведкаси бошлиғи Б. Сирожидиновга алоҳида топшириқ берилди. Фашистларнинг чекинишига ҳалақит бериш учун Минск яқинида Березина дарёси устига қурилган кўприк портлатилиши керак эди. Бурхон Ҳасанович радист ва икки ёрдамчи билан биргаликда артиллерия ўтини тўғри йўналтириб туриши лозим эди. Кўприк яқинида фронт чизигидан ўтиб, хилват жойни танладилар ва рация орқали зарур маълумотларни штабга бера бошладилар. Ўн олти тўпдан бир варакайига ўқ узилди. Фашистлар гангиб қолдилар, кўприк атрофига йиғилдилар. Кўприк портлатилди. Кўплаб гитлерчилар, жанговар техника сувга гарқ бўлди, кўп микдордаги немислар асир олинди, анчагина микдорда тўплар, танклар, курол-яроғ ва техника қўлга киритилди.

1945 йил февралда Олий Бош Қўмондон Кароргоҳи 143-артиллерия бригадаси штабининг бошлиқ ўринбосари майор Б. Сирожидинов Қизил Армиянинг Коломнада жойлашган Олий штаб артиллерия мактабига ўқиш учун юборилди.

1945 йил июндан бошлаб у Подольск артиллерия билим юртида артиллерия тактикасидан дарс берди. 1946—1949 йилларда СССР ИИБ мактаби кафедрасининг бошлиғи бўлиб

ишлади. 1949—1953 йилларда ДХКнинг Москвадаги Қизил байроқли институтида тингловчи бўлди. 1954 йилда Тошкент шаҳар фуқаро мудофааси штабининг бошлиғи қилиб тайинланди. 1955—1960 йилларда республика фуқаро мудофааси штабининг бошлиғи, 1960—1980 йилларда ички қўшинлар қўшилмаси командири, 1980—1985 йилларда ички қўшинлар олий курслари бошлиғи бўлди, 1965 йилда унга генерал-майорлик, 1982 йилда эса генерал-лейтенантлик ҳарбий унвони берилди.

Б. Сирожидинов “Октябрь инқилоби”, I ва II даражали

“Ватан уруши”, “Меҳнат Қизил Байроқ”, III даражали “Ватан хизмати учун” орденлари ва ўндан ортиқ жанговар медаллар соҳибидир. У камтарлиги, меҳнатсеварлиги, ҳамкасбларига ҳурмат билан муносабатда бўлиши билан ажралиб туради. Бугунги кунда Бурхон Ҳасанович Республика уруш ва ички ишлар идоралари фахрийлари ташкилотининг, шунингдек уруш ва меҳнат фахрийлари секциясининг раисидир, у республика, вилоят ва шаҳар қайноқ ҳаётининг фаол иштирокчиси. Ёшларни Ватанга садоқат ва муҳаббат руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун у “Ўзбекистон Республикаси ёшларининг хизмат кўрсатган мурабийси” унвонига сазовор бўлди.

Фарзандлар ҳам ота изидан бордилар. Унинг катта ўғли — Али ички хизмат подполковниги, енгиндан муҳофаза қилиш мухандислари Тошкент факультетининг катта ўқитувчиси, иккинчи ўғли Носир — милиция майори, Ўзбекистон Республикаси ИИБнинг Иқтисодий жинойтларга қарши кураш бошқармаси тезкор вакили. Қизи Малика Тошкент давлат дорилфунунининг юридик факультетини тугатгач, Тошкент юридик техникумида дарс берди. 1993 йилдан бошлаб Тошкент шаҳар ИИББда ишламоқда.

Р. ҲОШИМОВ,
истеъфодаги ички хизмат
полковниги, юридик фанлар
номзоди.

9 май — Ғалаба кун Тарих тошга ўйилган ёзувдир

У кунлар заҳмати

Тошкент шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмлардан бирининг шахсий таркиби Ватанни ҳимоя қилиш ишига муносиб ҳисса қўшди. Шу қисмдан кўплаб аскарлар, сержантлар, офицерлар фронтга жўнаб, Ватаннинг озод ва мустақил бўлиши учун қаҳрамонларча жанг қилдилар. Қисм ротасининг собиқ командири И. Мирошниченко фашист босқинчиларга қарши мардона жанг қилиб, ўзининг шонли жанговар йўлини генерал-лейтенант унвонида якунлади. Жасорати ва матонати учун Мирошниченкога Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилган.

Ҳаракатдаги армияга бу

намуналарини кўрсатмоқда, у бўлима тўпларининг энг яхши командирларидан биридир. У интизомли, мафкуравий жиҳатдан собит, катта-обрўга эга. Ўртоқ Вихренко ҳукуматнинг олий мукофотига тақдим этилган.

Аъло даражадаги тарбиянгиз учун миннатдорчилик билдираимиз. Бўлимаизнинг шахсий таркиби сингари сиз ҳам у билан фахрланишингиз мумкин. Жангчи ва командирлар жасур гвардиячи сержантдан ўрнат оладилар.

Батарея ҳарбий комиссари — гвардиячи полтурок Сизов.

Гвардиячи бўлима ҳарбий комиссарининг хати соқчилар дивизиони жамоасининг йиғилишида кенг муҳокама қилинди. Милиционер ва командирлар фронтда М.Ф.Вихренко жанг қилаётганидек, фронт орқасида ҳам ана шундай фидокорона меҳнат қилишга аҳд қилдилар.

1943 йил февралда қисмнинг оддий аскарлар А.Гончаров, М.Шатохин, И.Татаринов, И.Супрун, М.Булатников ва бошқалардан иборат бўлган снайперлар гуруҳи взвод командири лейтенант Г.Веселов бошчилигида Ғарбий фронтга юборилди. Дастлабки ўн кун ичидаёқ снайперлар 17 фашист солдат ва офицерини ер тишлатди.

1943 йил майида бу гуруҳ Брянск фронтга юборилди, бу ерда у 2500 дан ортиқ немис солдат ва офицерини йўқ қилди. Лейтенант Веселов ва бошқа снайперлар мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатганлари учун ҳукуматнинг олий мукофотларига сазовор бўлдилар.

Фронтга йўл олган кўп жангчилар кейинроқ йирик саркардалар бўлиб етишдилар, улар орасида полковник Федосенко, генераллар Кузнецов, Титов ва бошқалар бор. 1945-1950 йилларда Улуғ Ватан урушининг донги кетган қаҳрамонларидан бири — Совет Иттифоқи Қаҳрамони гвардиячи полковник Н.Забродин қўмондон бўлди.

Эшелон соқчилари 1943 йил августида Тошкент-Владивосток йўналишида бормоқда эди. Шарқий Сибирь темир йўлининг Суховская — Мечеть бекатлари оралигида поезд ҳалокатга учради. Қамоқхона вагони ва маҳбуслар олиб кетилаётган 32 вагон 7-8 метр баландликдан қияликка ағдарилди. Маҳбусларнинг бир қисми ўрмонга югурди, бошқалари соқчиларга ҳужум қилишга уриниб кўрди. Катта лейтенант И.Мельников, ёрдамчиси кичик лейтенант О.Бузан вагон қолдиқлари остида қолган маҳбусларни қутқаришни уюштирдилар ва ўрмонга бекинган маҳбуслар қочиб кетишининг олдини олиш чораларини кўрдилар.

Хизмат итлари бўйича кичик инструктор Н.Макаренко ўрмон ичкарасига 200 метр кириб кетишга муваффақ бўлган 6 маҳбусни тутиб келди. Старшиналар А.Мусиенко, Т.Ғайбуллаев маҳбусларнинг ҳужумларини қайтардилар. Поезд ҳалокатга учраган жой соқчилар билан ўраб олинди. Ҳалокат натижасида яраланган чекист-жангчилар оғриққа ҳам парво қилмай, хизматни давом эттирдилар.

Хуллас, махсус қисмнинг шахсий таркиби уруш пайтида ҳам, тинчлик даврида ҳам ишга қаҳрамонларча муносабатда бўлишнинг бир талай юксак намуналарини кўрсатдилар.

Х. РАСУЛОВ.

полкдан бир неча маротаба қўшимча кучлар юборилди. Сталинградни ҳимоя қилган ИИХК қўшинларининг 10-дивизияси таркибида Тошкент соқчилар полки жангчилардан иборат рота Мамаев кўргонида қаҳрамонларча жанг қилди. Жангларда бу дивизия 15 мингдан ортиқ фашистни ер тишлатди, 113 танк, 8 зирҳли машина, 138 станокли ва қўл пулемети, 38 автомашина, 6 тўп ва 51 минометни яқсон қилди. Дивизиянинг комиссари ҳам илгари Тошкент соқчилар полкида хизмат қилган полковник Кузнецов эди. Ҳукумат дивизиянинг жанговар ҳаракатларини юқори баҳолаб, уни Ленин ордени билан тақдирлади. 1943 йил февралда Қизил Армия таркибига киритилган дивизия Гвардиячи номини олди ва ғалабага қадар душманга қарши жанг қилди.

10-дивизия таркибидаги Тошкент соқчилар полки ротаси қаҳрамонларча жанг қилган Сталинград яқинидаги Мамаев кўргонига ёдгорлик ўрнатилган, унда автомат ушлаган ва қилични юқорига кўтарган чекист-жангчи тасвирланган.

Тошкентдаги махсус соқчилар дивизиони милиционери Михаил Филиппович Вихренко ўз жамоасида катта обрў қозонган эди. У хизматни аъло даражада бажарар, интизомда ўрнатилган эди. Вихренко Ватан ҳимоячилари сафида гитлерчи босқинчиларга қарши мардларча жанг қилди. Вихренко хизмат қилган қисмдан 1942 йил октябрида Тошкентга юборилган хатда шундай дейилган эди:

“Соқчилар дивизиони командирига.

Гвардиячи бўлима қўмондонлиги хабар қиладики, бўлимаизда хизмат қилаётган Михаил Филиппович Вихренко, собиқ милиционерингиз, Ватан учун жангларда мардлик, матонат ва жасорат

ДУШАНБА

10 МАЙ
ЎЗТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.05 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. "Марказий Харбий спорт клуби" — "Нефтчи" (Фаргона). 2-тайм. "Меҳнат" резервлари ўринбосарлари ўйингоҳидан олиб кўрсатилади. 18.50 "Элга хизмат". Самарқанд шаҳрида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳақида. 19.25 Ёшлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Ёшлар. 19.55 "Ёшлар ва таълим-тарбия". Тошкент Давлат техника дорилфунун. 20.10 Оқшом эртакли. 20.25 Юнус Ражабий номидаги макомчилар ансамбли ижросида замонавий куй ва кўшиқлар. 20.55 Ёшлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 "Яхши дам — меҳнатта ҳамдам". Бевосита мулоқот. 22.30 "Гул ва Наврўз". Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли. 24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

18.30 Болалар учун. "Совга". 19.00 "Хивача ажрим". Фильм-концерт. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 С.Рахманинов таваллудининг 120 йиллигига. Камер асарларидан концерт. 20.30 "Лаҳза". Хабарлар. 20.45 "Бизнинг суҳбат". 21.05 "Уларни фақат афтидан танир эдилар". Бадий фильм. 22.30 "Лаҳза". Хабарлар.

"ОРБИТА IV"

6.30 "Яхши дам". 7.15, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби. 7.20 "Кичкинтой Маллаво". Мультифильм. 1 ва 2-сериялар. 8.00 "Марказ". 8.30 "Эрта сахарлаб". 9.00 "Ҳамма уйдалигиди". 9.30 "Тонг юлдузи". 10.20 "Қора кўркам от саргузаштлари". Болалар учун кўп серияли телефильм премьераси. 10.45 "Шекспирада". Мультисериял премьераси. 6-фильм — "Ўн иккинчи кеча". 11.15 "Марафон-15". 12.05 Авиакосмик салон. 12.15 Актерлар ва тақдирлар. "Цирк". Бадий фильм. ("Мосфильм", 1936 й.) 14.00 Янгиликлар. 14.20 Режиссёр Г.Панфилов фильмлари таништирилади. 14.40 "Сизга аталган учрашувлар". Ёзувчилар В.Конечкий ва В.Шефнер. 15.30 "Саёхатчилар клуби". 16.20 "Икки кулганда". 17.20 "Қорқиз ва етти гном". Э.Рязанов К.Эрнест била суҳбатлашади. 17.45 "Тол". 18.15 Телеэкранда биринчи марта. "Какку болалари". Бадий фильм ("Беларусьфильм"). 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Ёшлар. 20.00 Янгиликлар. 20.25 "Горячев ва бошқалар". Бадий телесериал премьераси. 14-серия. 20.55 "Спорт уик-энди".

"Янги студия" таништирилади: 21.10 "Бомонд". 21.45 "Джем-сейшн". "ДДТ" концерти. 22.55 "Монтаж". 23.35 "Ассалому алайкум!". Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар. 00.15 "Мусиқий сол". Иркутскдан кўрсатилади.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 "Акс этиш". 8.10 "Ишдан бўш пайтингизда". 8.25 "Шаҳарча". Дам олиш кўрсатуви. 8.50 "Американинг ёввойи табияти". Кўп серияли телефильм премьераси (АҚШ). 9.20 "Бурда моден" тавсия этади. 9.50 Кипрас Мажейка. "Кичик Европа"дан репортажлар. 10.20 "Калит" кўрсатуви. 10.50 Кундузги сеанс. "Алиса Мўъжизалар мамлакатига". Бадий фильм. 12.25 "Дехқонларга тааллуқли масала". 12.45 Биз севган комедиялар. "Бальзаминонинг уйланиши". Бадий фильм. 14.10 XX аср кадрда ва кадр ортда. "Қачонлардир биз бунга эслаймиз". 14.55 "Қутқариш хизмати-911". 15.50 Монсеррат Кабалье Россияда. Фильм-концерт премьераси. 16.45 Мульти-пульт.

17.00 — 19.05

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.05 Душанба кунини детектив. "Лаки страйк" таништирилади. "Фалокат" келтирадиган



чорраҳалар". Бадий фильм. "Криминал ходисалар" туркумидан (АҚШ). 20.00 "Земфира Жемчужная табори". 20.55 Спорт кўрсатуви.

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.30 "Формула-1" классиди автопойга бўйича жаҳон чемпионати. Испания гран-приси. Барселонадан кўрсатилади.

СЕШАНБА

11 МАЙ

ЎЗТВ I

7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Бахтиёр". Фильм-концерт. 8.05 "Ҳақиқат рўёбга чиқсин". Бадий фильм. 9.30 Ўзбек тилини ўрганамиз. 10.00 "Булутлардан баланд жаҳаннам". Телефильм. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика. Газларда электр токи. 11.00 "Болалар меҳмонхонаси". 11.30 Ўқув кўрсатуви. Жугрофия. Ўзбекистоннинг экологик муаммолари. 12.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).

16.45 Кўрсатувлар тартиби. 16.50 Янгиликлар. 17.00 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. "Пахтакор" — "Навбахор" (Наманган). "Пахтакор" Марказий ўйингоҳидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Телефильм. 18.50 "Санъат олами". Андижонлик халқ усталари М.Насбидинов ва М.Абдуваҳобов. 19.25 Ёшлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Ёшлар. 19.55 "Мусаввир Раҳим Аҳмедов". Телефильм. 20.10 "Оқшом эртакли". 20.25 "Ўзбекистон — Туркия". Тошкент ўғил болалар лицейи. 20.55 Ёшлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 Санъат усталари ижросида концерт. 22.20 "36-38-квадратдаги ходиса". Бадий фильм. 23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

18.30 "Уолт Дисней таништирилади...". Мультифильмлар тўплами. 19.20 Баҳор лавҳалари. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Шарқ лирикиси". Гафур Ғулом таваллудининг 90 йиллигига. 20.25 "Суперспорт". 21.10 "Илҳом". Телефильм. 21.30 Ёшлар. "Кинонигоҳ".

"ОРБИТА IV"

4.55, 14.20, 17.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгиликлар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгиликлар. 8.20 "Оддий Мария" Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9.05 "Тингланг, томоша қилинг". 9.25 Мультифильмлар. 10.00 "Тол". 10.30 "Горячев ва бошқалар". Бадий телесериал. 14-серия. 11.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс

11.20 "Батальонлар ўт очишни сўрашапти". Тўрт серияли телевизион бадий фильм. 1 ва 2-сериялар. 13.35 "Пальма билан Котуя бўйлаб". Телефильм премьераси (Красноярск).

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Ишбилармонлар хабарномаси". 14.40 "Адам Смит бойлиги дунёси". 15.10 "Ён дафтар". 15.15 Мультифильм. 15.30 Болалар телевидениеси уюшмаси. "Товушлар музейи". Олмаотадан кўрсатилади. 16.10 "Рок-сабқ". 16.50 "Технодром". 17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 17.25 Давлатлараро "Останкино" телеканали "Дунёнинг томонлари" кўрсатувини таништирилади. 17.55 "Оддий Мария". Кўп серияли

телевизион бадий фильм премьераси. 18.40 "Миниатюра". 18.55 "Мавзу". 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Ёшлар. 20.00 Янгиликлар. 20.25 "Семикаракорск чинниси". Телефильм. 20.35 "Мосфильм"нинг 70 йиллигига. "Белорус вокзали". Бадий фильм. 22.30 "1993 йил кўшиқлари". Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар. 00.10 "Кино талаб қилинади".

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Ишбилармон кишилар даври. 7.55 Тонгги концерт. 8.20 "Номлар". Евгений Лебедев. 9.15 "Катта жанжал". 9.50 "Параллеллар". 10.05 Хонаки экран. "Харбий дала романи". Бадий фильм. 11.30 "Дехқонларга тааллуқли масала". 11.50 Очқидунё. "НОРД-вест". 2-кўрсатув. 12.35 Россияда бизнес.

14.20 "Телебиржа". 14.50 Болалар телевизион театри. "Олмагон ва чўткача". 15.50 Янгиликлар. 16.05 "Рост" студияси. "Кенгуру". 16.35 Мульти-пульт. 16.45 "Катта давра".

17.00 — 19.40

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.40 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси 165-серия. 20.30 Спорт кўрсатуви. 20.35 Катталар учун мультифильм.

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.25 "Орадан йиллар ўтгач". Булат Окуджава билан учрашув. 22.10 "Телематн". 22.15 Буржлар туркумидан кўрсатув. 23.10 Криминал хабарлар экрани. 23.25 Баскетбол шахри.

ЧОРШАНБА

12 МАЙ

ЎЗТВ I

7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Лола Оқилова рақсга тушади". Фильм-концерт. 8.00 "Маҳаллада дув-дув гап". Бадий фильм. 9.20 Турк тили. 9.50 "Ёшлик" студияси. "Истеъдодларни излаймиз". 10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика. ЭХМ халқ хўжалигига. 11.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 11.15 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси хизмат кўрсатган хор жамоасининг концерти.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 "Кичкинтой" устахонаси. 18.40 "Тогдаги йилқилар". Телефильм. 18.50 Раъно Курбоналиева куйлайди. 19.25 Ёшлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Ёшлар. 19.55 "Шеърят дафтаридан". Миразиз Азим. 20.10 "Оқшом эртакли". 20.25 "Кекса санъаткорлар". Ўзбекистон халқ хофизы Ортиқхўжа Имомхўжаев. 20.45 "Сувадаги акс". Манзарали фильм. 20.55 Ёшлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 "Давлат солиқ Бош бошқармаси фаолиятдан". Бевосита мулоқот. 22.30 Жумхурият газеталарининг шарҳи. 22.40 "Дўрмон гурунлари". 23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

18.30 "Билим сарчашмалари". 19.05 "Спринг". 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Тошкент: шаҳар юмушлари". 20.50 "02" тўлкинида. 21.10 "Ёр-ёр". Бадий фильм.

"ОРБИТА IV"

4.55, 14.20, 17.20 — Кўрсатувлар

тартиби. 5.00 Янгиликлар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгиликлар. 8.20 "Кувноқ нотачалар". 8.35 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9.20 "Савдо кўприги". 9.50 "Анахну Кан ансамбли ижро этади (Исроил)". 10.20 Мультифильмлар. 10.50 "Матбуот-экспресс". 11.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс

11.20 "Батальонлар ўт очишни сўрашапти". Тўрт серияли телевизион бадий фильм. 3 ва 4-сериялар. 13.35 Телефильм премьераси.

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Телемикст". 15.10 "Ён дафтар". 15.15 Мультифильмлар. 16.00 "Қизлар ўртасидаги сир". 16.20 "Парвоздаги уй". Кўп серияли мультифильм премьераси. 9-серия. 16.50 "Технодром". 17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 17.25 "Сўқмоқ". Телефильм. 17.35 Давлатлараро "Останкино" телеканали "Ишонч ерлиги" кўрсатувини таништирилади. 18.00 "Мулкдор алифбоси". 18.15 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 19.00 "Кремль деворлари ортда". 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Ёшлар. 20.00 Янгиликлар. 20.20 Телевизион танишув. Урмас Отт Исландия президенти Вигдис Финнбогадоттир билан суҳбатлашади. 20.55 Футбол. Россия чемпионати. "Торпедо" (Москва) — "Динамо" (Москва). 2-тайм. "Торпедо" стадионидан кўрсатилади. 21.40 "Оловли фаришта". Тошкент опера ва балет театрининг спектакли. 23.10 Янгиликлар. 23.45 "L-клуб". 00.30 "Матбуот-экспресс".

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР

ДИККАТИГА!

Профилактика муносабати билан чоршанба, 12 май кунини "Дубль IV" кўрсатувлари соат 14.55 дан намоиш этилади.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
14.55 "Сигнал". 15.10 Янгиликлар. 15.25 "Рост" студияси. 15.55 Трансросэфир. "Узоқ Шарк". 16.40 "Сизнинг ҳақ-хуқуқингиз".

17.00 — 19.40

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.40 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 166-серия. 20.30 "Хроно". Авто ва мотоспорт оламида.

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.25 Россия Федерацияси Олий Кенгазининг сессиясида. 21.45 Криминал хабарлар экрани. 22.00 "Шўнгувчи бомбардирмончи самолёт хроникаси". Бадий фильм. 23.30 Спорт кўрсатуви.

ПАЙШАНБА

13 МАЙ

ЎЗТВ I

7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Саодат". Фильм-концерт. 8.00 "Шаронга караб иш тут". Бадий фильм. 9.05 Араб тили. 9.35 Телефильм. 9.45 "Ёшлик" студияси. "Кичкина деманг бизни". 10.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника. Ўсимликлар ва табиятда ўзаро уйғунлик. 11.00 "У "Гиря"ни севарди". Телефильм. 11.30 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 11.45 "Шоирлар — болаларга".

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 "Ёшлик" студияси. "Талабадик йилларим". 18.50 "Чорраҳа". Наманган вилоятдан кўрсатув. 19.25 Ёшлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Ёшлар. 19.55 "Мутахассис маслахати". Чорвачиликда ривожланидиган касалликларнинг олдини олиш. 20.10 "Оқшом эртакли". 20.25 "Излай-излай топганим". Тўра Сулаймон кўшиқлари. 20.55 Ёшлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30

"Чақноқ юлдузлар". Киноқўрсатув. 22.30 "Зулматни тарк этиб". Бадий фильм. 23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

18.30 Болалар учун. "Табассум". 19.00 "Мўъжизалар кунини". Телефильм. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Космонавтика уфқлари". 20.30 "Пульс". Хабарлар. 20.45 "Бу оқшомда". 21.55 Жумхурият газеталарининг шарҳи. 22.05 "Пульс". Хабарлар. 22.20 Ёшлар. "Кинонигоҳ".

"ОРБИТА IV"

4.55, 8.20, 14.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгиликлар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгиликлар. 8.25 "Забайкальский самоцвет" рус халқ чолгулари камер оркестри чалади. 8.45 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9.30 "Хайронот оламида". (сурдо таржимаси билан). 10.10 "... 16 ешгача ва ундан катталар". 10.50 "Матбуот-экспресс". 11.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс

11.20 "Монмартр томи остида". Телевизион бадий фильм. 13.40 "Миллион кўзлар учун сир". "Хайрлашув". Илмий-оммабоп фильм премьераси ("Форафильм" студияси).

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Телемикст". 15.10 "Ён дафтар". 15.15 Мультифильм. 15.35 Хит-мастер. "50х50". 16.25 "Ягона дунё". 17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 17.20 "... 16 ешгача ва ундан катталар". 18.00 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 18.45 "Театр+ТВ". 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Ёшлар. 20.00 Янгиликлар. 20.25 "Марк Захаровнинг серпантини". 21.25 "Динамо" билан бирга. "Динамо" Бутунроссия жамиятининг 70 йиллигига. 23.00 Янгиликлар. 23.35 Футбол. "Ўзбекистон сари йўл". 00.35 "Матбуот-экспресс".

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Ишбилармон кишилар даври. 7.55 Мульти-пульт. 8.20 "Мутлақо махфий". 9.15 РТВ — сайланмалар: "Тўртинчи девор". 11.10 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 166-серия. 12.00 РТВ — сайланмалар: "София қаерда бўлса — Новгород ҳам шу ерда". 12.40 "Дехқонларга тааллуқли масала". 13.05 Кундузги сеанс. "Яхшиликча хайрлашсак...". Бадий фильм. 1 ва 2-сериялар. 15.20 Янгиликлар. 15.35 Трансросэфир. "Урал варианты". 16.25 Россия Федерацияси Олий Кенгазининг сессиясида.

17.00 — 19.30

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.30 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 167-серия. 20.20 Спорт кўрсатуви. 20.25 "Осиё овози-93".

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар. 21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.25 Футбол. Финал. Кубок эгаларининг кубоги. "Антверпен" — "Парма".

ЖУМА

14 МАЙ

ЎЗТВ I

7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Дарахт ва унинг илдизлари". Телефильм. 8.00 "Семур". Бадий фильм. 9.15 "Зарипов чавандозлари". Телефильм. 9.45 "Ёшлик" студияси. "Тежамкорлик сирлари". 10.25 "Саломат бўлинг!". 10.45 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 11.00 Болалар учун. "Табият алифбоси".

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 "Тонгнинг гули ўзгача". "Ўзбектефильм" премьераси. 18.30 "Ёшлик" студияси. "Фаргона тонг отгунча...". 19.25 Ёшлар. 19.30

«Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Ёллонлар. 19.55 «Хўшқўй» умумтаълим истиқболлари. 20.10 «Оқшом эртаклари». 20.25 Мусикали лавҳа. 20.35 «Тадбиркор» банки фаолиятдан. 20.55 Ёллонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.30 «Кўшиқ рақса уланса». Курсия Эсонова ва Наима Юсупова. 22.15 «Қайнона». Бадий фильм. 23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

18.30 БИШКЕК КЎРСАТАДИ «ОРБИТА IV»

4.55, 8.20, 14.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгиликлар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 «Тонг». 8.00 Янгиликлар. 8.25 Эртақ ҳузурида меҳмонда. «Усталар шахри». Бадий фильм. 10.00 «Саҳнатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан). 10.50 «Матбуот-экспресс». 11.00 Янгиликлар. 11.20 «Америка М. Таратута билан». 11.50 «Ит юрак». Телевизион бадий фильм. I ва 2-сериялар. 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.25 «Бридж». 14.50 «Бизнес-класс». 15.05 «Ёндафтар». 15.10 Эртақ ҳузурида меҳмонда. «Усталар шахри». Бадий фильм. 16.45 «Иш». 17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 17.20 Давлатлараро «Останкино» телеканали «Маккага йўл» кўрсатувини таништилади. 17.45 «Инсон ва қонун». 18.10 «Америка М. Таратута билан». 18.45 «Мўъжизалар майдони». 19.40 Хайри тун, кичкинтойлар! 19.55 Ёллонлар. 20.00 Янгиликлар. 20.25 «Матбуот-экспресс». 20.40 «Хафтанинг машҳур кишиси». 20.55 «КТВ-1» ва «Франс интернационал» канали таништилади. «Икки баравар...» Бадий детектив фильм премьераси (Франция, Швейцария).

«ВИД» таништилади:

22.25 «Сиёсий бюро». 23.35 «Музобоз». 00.15 «Авто-шоу». 00.30 «Хит-конвейер». Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.

«ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.25 Ишбилармон кишилар даври. 7.55 «Ретро-шлягер». 8.25 «Тилла шпора». 8.55 «Сиёсат майдонида». 9.50 «Оқ қарга». 10.35 Ишда бўш пайтингизда. «ТВ-ателье». 10.50 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий теелфильм премьераси. 167-серия. 11.40 «Земфира Жемчужная табору». 12.35 «Дехқонларга тааллуқли масала». 13.00 «Ижица». 13.30 Трансроссэфир. «Усталар шахри». 14.00 «Телебизра». 14.30 Янгиликлар. 14.45 «Рост» студияси. «Т» — клуби. 15.15 Мульти-пульти. 15.25 Спорт кўрсатув. 15.35 Жума кунлари Дисней. «Ер сайерасига юборилган». Бадий фильм. 10-серия.

16.25 — 17.20

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.20 Польша телевидениеси кунлари. «Крулей она» бадий фильми таништирилади. 19.25 «Аквариум» джаз-клуби (Польша ТВ). 19.55 «Хар бир кун байрам». 20.05 «Асил ҳолича...»

21.30 «Туркия телевиденияси. Хабарлар.

21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда». 21.25 «Даниэль Ольбрыхский». Хужжатли фильм (Польша ТВ). 22.05 «К-2» таништилади. «Ню».

ШАНБА

15 МАЙ

ЎЗТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».

8.00 «Министр бўлмоқчиман». Бадий фильм. 9.30 «Алифбо сабоқлари». 10.00 «Шарк дурдоналари» Шерхон Хуршид. I-қисм.

11.00 «Ўзбекистон спорти». 11.20 «Анъана ва замон». 11.55 «Салом, ёшлар». 12.40 «Наврўз». «Ўзбектеелефильм премьераси». 13.00 «Ўзбекистон бастакорлари». Султон Ҳайитбоев.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Болалар учун. «Кунгирокча». 18.50

«Сихат-саломатлик». Шифокор олимларнинг поликлиника хизмати. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида) 19.50 Кичик концерт. 20.10 «Оқшом эртаклари». 20.25 «Мулоҳаза». Бухоро театрининг «Юрагимни сотаман» спектакли ҳақида. 21.00 «Туркистон» ахбороти. 21.30 «Хаёлимда ўзинг». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ўғил Мухамедова. 23.15 Жумҳурият газеталарининг шарҳи. 22.25 Гафур Ғуллом таваллудининг 90 йиллигига бағишланган юбилей кеча. Алишер Навоий номидаги Давлат академик опера ва балет Катта театридан олиб кўрсатилади (ёзиб олинган). 23.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

17.00 АШГАБАТ КЎРСАТАДИ «ОРБИТА IV»

5.55, 7.30, 14.20 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Эрталабки гимнастика. 6.10 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 6.55 Янгиликлар. 7.35 «Матбуот-экспресс». 7.45 «Моторлар оламида». 8.15 «Ўз-ўзинга мадад бер». 8.45 «Марафон-15» — кичкинтойларга. 9.10 Шанба кунги дастхат. 9.40 Инсон институти. 10.10 Рус олами. 10.50 Қизил космос. Телефильм премьераси. II-фильм — «Сирли космос». 11.20 «Мусликий дукон». 11.50 «Князь Шаркдан келадими?». С. Алексеевнинг Осиё туркуми. 12.20 «Мулқдор алифбоси». 12.30 Режиссёр Г. Панфилов фильмлари. «Оловда кечув йўқ». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.25 «Шаҳзода ва Сув париси». Кўп серияли мультфильм премьераси. 3-серия. 14.50 «Мусликий хонадон». Россия — Австрия кўрсатув. 16.20 «Қизил квадрат». 17.00 «Брэйв-ринг». 17.50 «Хамёндаги жаз». Фильм-концерт 18.50 Коламбия пикчерс таништилади: «Бенуксон йигирма». Телевизион бадий фильм премьераси. «Майк Хаммер» телесериалидан. 19.45 Хайри тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Коламбия пикчерс» таништилади: «Помпейнинг сўнгги кунлари». Етти серияли телевизион бадий фильм премьераси. 2-серия. 21.20 «Ультраси» спорт кўрсатув. Футбол. Англия кубоги. Финал. 2-тайм. Лондондан кўрсатилади. 22.10 «Резонанс» студияси таништилади. 22.30 «Туманли тонг». Концерт. 22.45 «Қорқиз ва етти гном». Э. Рязанов Е. Киселев билан суҳбатлашади. 23.30 Янгиликлар. 00.05 «Матбуот-экспресс». 00.15 «Сновидение» тунги канали.

«ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.20 «Оламга ўз нигоҳи билан қараш». 7.45 «Винил чангалзорларида». 8.15 «Рост» студияси. «Бизнинг «Аралаш-қуралаш». 8.45 «Пигмалион». 9.15 «Кузирхоним». 9.45 Лариса Неделягинанинг шеър ва кўшиқлари. 10.15 Биз севган комедиялар «Омад кулиб бокқанда». Бадий фильм.

11.40 — 14.45

«ЎЗБЕКИСТОН» ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

1. «Ягона оилада». 2. «Чисен». (корейс тилида). 3. «Гулпак» (қорақалпоқ тилида). 4. «Дўстлик маршрутлари. Тошкент-Жамбул». 5. «Манбалар».

6. «Хамкорлик ришталари» «Ўрта Осиё транс» фирмаси ҳақида.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

14.45 «Чегарасиз футбол». 15.40 «Бола тилидан».

ЯКШАНБА

16 МАЙ

ЎЗТВ I

7.00 «Танбур». Телефильм. 7.20 «Назм ва наво». Фузулий лирикаси.

8.00 «Туркистон» ахбороти. 8.30 «Маҳобҳорат». Кўп қисмли телевизион бадий видеофильм (Ҳиндистон). 15-16 сериялар. 10.00 Инглиз тили. 10.30 «Шарк дурдоналари». Шерхон Хуршид. 2-қисм. 11.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Яшил чирок». 12.15 «Инсон ва замин». Хоразм вилоятидан кўрсатув. 13.15 Республика ёш хонандалар танлови голибларининг концерти. 14.30

Тижорат канали. «Жаннат макони». Наманган вилоятидаги «Косонсой» санаторияси ҳақида.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» — «Косонсой». 2-тайм. «Пахтакор» Марказий ўйингоҳидан олиб кўрсатилади. 18.50 «Жасур чўпон бола» мультфильм. 19.00 Мактаб ўқувчилари учун «Санъат гунчалари. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти. (рус тилида). 19.55 «Санъат дўстлигига чорлайди». 21.00 «Хафтанома». 22.00 Юлдуз Абдуллаева куйлайди. 22.50 «Ойнаи жаҳонда». 23.05 «Сени излайман». Қисқа метражли телевизион бадий фильм. 23.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

8.05 — 11.00 БИШКЕК КЎРСАТАДИ**18.30 БИШКЕК КЎРСАТАДИ «ОРБИТА IV»**

5.45, 18.00, 21.45 — Кўрсатувлар тартиби. 5.55 «Рухни чиниктириш». 6.55 Янгиликлар. 7.30 Эрталабки гимнастика. 7.40 «Спортлото» тиражи. 7.55 «Марказ». 8.25 «Эрта саҳарлаб». 8.55 «Хамма уйдалигиди». 9.25 Мультфильм. 9.35 «Тонг юлдузи». 10.25 «Пи» белгиси билан. 11.15 «Харбий ревью». 11.45 «Қора кўркам от саргузаштлари». Болалар учун телефильм премьераси. 12.10 «Янги авлод таллайди». «КТВ-1» ва «Франс интернационал» канали таништилади: 13.00 «Пиф ва Геркулес». Кўп серияли мультфильм премьераси. 13.10 «Кусто командасининг сувости одиссеяси». Кўп серияли хужжатли фильм премьераси.

14.00 Янгиликлар. 14.15 Саҳнатчилар клуби. 15.05 «Хунари хор бўлмайди». 15.10 Мультфильмлар премьераси: «Каспир ва унинг дўстлари», Ҳақиқий ажина оловчилар. 16.00 «Гилдирак». Қисқа метражли бадий фильм. 16.20 «Эфирда бевосита мулоқот». 17.00 «Панорама» Хафталик халқро кўрсатув. 17.45 Янгиликлар. 18.05 «Большой театр. Кунлар ва оқшомлар». А. Хачатурян. «Спартак» балети. 20.55 Ёллонлар.

21.00 «Якунлар». 21.50 XVIII Москва кинофестивали олдидан. 22.05 Катталар учун мультфильм. 22.15 «Тасвирдаги суврат». Богдан Титомир. 23.00 Янгиликлар. 23.55 «Катта сайр». 00.20 «Қадимий тароналар». Киноконцерт.

«ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.20 «Рост» студияси. «Ўзайтирилган кун». 7.50 Мульти-пульти. 8.00 «Гап-гаштакларни кўмсаб». 8.30 «Ўхшаш дунёлар». 9.00 «Агар сизга...». 9.30 «Ати-бати...». 10.00 Кипрас Мажейка. «Жанубий Африкадан репортажлар». 10.30 Такрорий фильмлар кинотеатри. «Нотинч кун». Бадий фильм.

12.05 — 15.00

«ЎЗБЕКИСТОН» ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

1. «Безнен мирас» (татар тилида). 2. «Бурч» кўрсатув. 3. «Умид» (уйғур тилида). 4. «Дийдор» (қозоқ тилида).

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

15.10 Диснейнинг сеҳрли олами. «Винни Пухнинг янги саргузаштлари». «Қора плашч».

16.00 — 17.20

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.20 Эй-Би-Си билан яқшанба оқшомида. «Жаклин Кеннеди». Бадий фильм. (АҚШ). I ва 2-сериялар. 20.00 Телеэкранда биринчи марта. «Баттерфляй». Роман Виктюк ҳақида фильм.

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда». 21.30 «А» программаси «Евровидение-93» кўшиқлар танловида. Ирландиядан олиб кўрсатилади.

(«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» дастуридан олинди).

Павел Иванович ЛЕВОЧКИН

Ажойиб инсон, ички ишлар идораларининг етук мутахассисларидан бири истеъфодаги милиция полковниги Павел Иванович Левочкинни бевақт ўлим ораминдан олиб кетди.

П. И. Левочкин 1934 йили Оренбург вилояти Оқбулоқ туманининг Богдановка қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. Ички ишлар идораларидаги хизмат фаолиятини 1957 йилда Жанубий Қозоғистон вилояти, Тулкибос тумани милиция бўлимида паспорт хизмати ходими вазифасидан бошлади. 1962 йилдан бошлаб суриштирув ва тергов соҳаларида хизмат қилди. 1972-1979 йилларда Самарқанд вилояти, Ростов шаҳри ички ишлар бошқармаларида штаб бошлиғи, Ростов вилояти ИИБ штаб бошлиғининг ўринбосари, 1986 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг шахсий таркиб бўйича инспекцияси, Ташкилий назорат бошқармаси бошлиғи лавозимларида самарали меҳнат қилди. 1989 йилда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг тергов ишлари бўйича ўринбосари лавозимига тайинланди.

У қаерда ва қандай лавозимларда ишлаганини, ўзининг куч ва билимини топширилган



вазифани сидқидилдан бажариб, қўл остидаги ходимларнинг касб маҳоратини, хизмат тайёргарлигини оширишга сарфлади. Унинг хизматлари Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти томонидан муносиб тақдирланган.

П. И. Левочкиннинг порлоқ хотираси унинг сафдошлари, дўстлари қалбида сақланиб қолади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ

«ДАРВОЗА»ДА УШЛАНДИЛАР

Иктисодий қийинчиликлар даврида яшаймиз. Баъзи бир сабабларга кўра ўғрилиқ ҳоллари кўпаймоқда. Бу ҳеч кимга сир эмас. Бироқ биз ҳозир келтирадиган ўғирлик сира ҳам оч қолганликдан қилинмаган.

Авжи меҳнат қилиб, чарчамайдиган ешда бўлган йигитлар, очик айтганда, тўқликка шўхлик қилганлар. Эртасини ўйламайдиган бу кимсалар бировлар меҳнат қилиб топган нонни кингир йўл билан ўзлаштириб еб ётмоқчи бўлиб, чучварани хом санаганлар. Александр, Дмитрий ва Геннадий исмли йигитлар шу йилнинг бошидан то ушлангунларига қадар муттасил равишда Солдатский шахрида яшовчи фуқароларнинг шахсий мулкларини ўғирлаш билан шугулланиб келганлар. Улар тил бириктирган ҳолда ўз «меҳнат фаолият»ларини йилнинг дастлабки кунлариданоқ бошлаб юбордилар. 3 январь кuni Дмитрий Ни ва Геннадий Пак пайт пойлаб Мухамедкулов номидаги кўчада яшовчи Татьяна Теннинг уйдан турли жиҳозлар, тилла буюмлар, видеомагнитофон кабиларни ўғирлаб кетишди. Дастлабки «ов» муваффақиятли чиққанидан суюнган ўғирлар жами 401 минг 600 сўмлик буюмларни саранжомлаб бўлгачина яна «ишга» чиқишди. Бу сафар улар «Октябрь» кўчасида яшовчи Юрий Манаевнинг хонадонидан «ФЕД» фотоаппарати ва эркаклар шими-ни ўмариб кетдилар.

Иш хамирдан қил сугургандай осон кетаётганидан ҳаволанган жиноятчилар навбатдаги ишларига Александр Пакни ҳам таклиф қилишди. Чўнтагида пуллари дўппайиб юрадиган бу ўртоқларининг таклифига оғзидан суви келган Саша жон деб кўна қолди. Улар биргаликда 13 февралда фуқаро С. Абдурахимовнинг уйдан 430 сўм пул, 23 февралда эса Герцен номи кўчада яшовчи Екатерина Келешнинг хонадонидан 3000 сўм пул ва телефон апаратыни олиб кетдилар.

Кунлар илиб, март ойи келди. Бу ўғирлар учун гоёт сермахсул ойлاردан бири ва охиригис бўлди.

Мартда улар ўндан зиёд хонадоннинг эгалари йўқ пайтида «меҳмон»и бўлишди. Ўз навбатида «ов» ҳам жуда бароридан келди. Айниқса, Наврўз байрами кuni Чугунов номидаги кўчада яшовчи Надежда Кимнинг уйдан 120 минг сўмлик кийим-кечак ва тилла буюмлар ўмарганларида ниҳоятда шод бўлишди.

Розанинг уйини бир кечада тозалаб кетишдан улар 127 минг сўмлик наф кўришди. Омадимиз келди, деб ҳовлиққан «тунги уй тозаловчилар» бу билан чегараланмасдан кун оралатиб тинч хонадонларни чирқиратавердилар. Солдатскийлик Л. Қаюмова, Д. Тошхўжаева, Л. Пак, Йўлдошев, А. Абдушукуров, Л. Ким, Т. Делар ҳам ўғирлар ташрифидан азият чекилар. Текинтомоқлар жами Солдатскийдаги хонадонлардан 1525200 сўмлик буюм ва жиҳозларни ўмаришга эришдилар.

Кўза кунда эмас, кунда синади. Ҳаром эса барибир тешиб чиқади. Халқимиз бу сўзларни бекорга айтмаган. Қолаверса, туманимиз милицияси ходимлари ҳам ўз ишининг фидойиларидан. Улар бу кингир иш усталарини ҳар қанча яширин равишда, эҳтиёт бўлиб ишлашларига қарамай, жиноят устида туманда ўтказилаётган «Дарвоза» махсус тадбири даврида кўлга олдилар. Бу борада жиноят-қидирув бўлимининг катта нозир, милиция катта лейтенанти Еркин Ермакбоев, бўлим бошлиғининг ўринбосари, милиция майори Сафарали Кулменов, участка нозирлари, милиция лейтенантлари Баҳодир Исаев ҳамда Абдуқаҳҳор Бозорбоевларнинг ўз хизмат вазифаларини сидқидилдан адо этишлари самара берди.

Жиноятчилар эса ўз қилмишларига яраша қонун олдида жавоб берадилар.

А. МУҲАМЕДКУЛОВ,
Қуйи Чирчиқ туман ИИБ бошлиғининг ўринбосари,
милиция майори.
О. СЎФИХОНОВ,
журналист.

ТИНИБ-ТИНЧИМАС ЙИГИТ

Унинг фазилатларини бир сўз билан ифодалаб бўлармикин? Шодимуроднинг билимдонлиги, ўз касбига меҳр-муҳаббат қўйгани, муомаласи, энг асосийси зийрак ва ҳушёрлигини таърифлаш учун, эҳ... Ҳа, у ҳақда туман ички ишлар бўлимида ҳам, қишлоқларда ҳам бежиз илиқ сўзлар гапирилмайди. Қолаверса у участка вакили сифатида муттасил 16 йилдан бери ишлаб келаяпти. Одам бир касбда қанчалик кўп ишласа, тажриба ҳам, малака ҳам шунча кўп тўплана экан. Ички ишлар бўлимида шу боисдан Шодимурод Мамарасуловдан маслаҳат сўрамаган участка вакилининг ўзи йўқ.

Шодимуроднинг бир ажойиб феъли бор. Бирон ҳамкасби ёрдам ёки маслаҳат сўраб мурожаат қилса, асло рад этмайди. Узининг ишини қўйиб бўлсада, баҳоли қудрат кўмак беришга интилади. Катта тажрибага эга эмасми, айтганлари доимо тўғри чиқади. Шогирдлари унинг қимматли маслаҳатларидан мамнун бўлиб юришади.

Ш. Мамарасулов Иштихон тумани ички ишлар бўлимига ишга келганига 17 йил бўлаяпти. Тошкентдаги ички йиллик ўрта махсус милиция мактабини аъло баҳоларга битириб келган йигит аввалига Каттақўрғон тумани ва Оқтоғ шаҳри ички ишлар бўлимида фаолият кўрсатди. Унинг серғайратлиги, ҳаракатчанлиги айниқса Иштихон туманига ишга келганидан сўнг ёрқин намоён бўла бошлади. Шодимурод қайси участкага ишга юборилмасин, тез орада у ердаги вазият кескин ўзгаради. Жиноятлар сони камайдми. Шу боисдан туманда у бориб ишламаган, оёққа тургазмаган участка кам қолган.

У доимо қишлоқ кишилари даврасида. Улар билан тўю маъракаларда ҳам доим бирга. Қишлоқ кишиларининг ҳаёти улар билан очикчасига дилдан суҳбат қурганингдагина яққол сезилади. Уларнинг кўнгиллари пок. Юракдаги дардларини яширмасдан айтиб беришади. Мулоқот давомида турли иллатлар, баъзи гумондор, нопок шахслар ҳам тилга олиб ўтилади. Участка вакили учун эса бундай белгили шахсларни билиш жуда зарур.



Кўп йиллик фаолиятида у неча-неча жиноятларни халқ кўмагига таяниб, улар берган маслаҳатлар асосида фаш қилган. Ҳозир у меҳнат қилаётган хўжаликларда жиноятлар сони тобора камайиб, аҳоли ўртасига тинимсиз тушунтириш ишларининг олиб борилиши ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Кейинги ярим йил ичида шу ҳудудга қарашли Шароф Рашидов номли, Мурод Жўраев номли, "Туркистон", Ҳамид Олимжон номли, "8 март", "Ит-тифок", Навоий номли жамоа хўжаликлариди ҳар хил жиноятлар кескин камайди. Барча қишлоқларда ёшлардан иборат навбатчилар тун осойишта ўтиши учун милиция ходимларига яқиндан кўмак берадилар. Бу тадбирнинг яхши йўлга қўйилиши ўз самарасини кўрсатмоқда.

Унинг ўнлаб шогирдлари бор. Низом Мирзаев, Абдурахмон Мусаев, Мақсуд Ҳамидов, Ҳусниддин Ўсаров, Аслиддин Омоновлар устозларидан жуда кўп нарсалар ўрганишган. Шогирдлари ҳам одамлар қалбига йўл топишга интилишади.

Шодимурод Мамарасуловнинг синчковлиги ва билимдонлиги туфайли жуда кўп жиноятлар гоёт қисқа муддатларда фаш этилган. Жиноятчилар муносиб жазосини олишган. Битта мисол. "Азамат" жамоа хўжалигида жойлашган 54-ўрта мактабдан рангли телевизор ўғирлаб кетилган эди. Участка вакилининг фаол ҳаракати туфайли ўғирлар тезда қўлга олинди. Бу жиноятни содир этган Толмас Махаммадиев ва Фарҳод Пардаевнинг бошқа кирдикорлари

ҳам фаш бўлди.

Милиция майори билан суҳбатлашиб ўтирибмиз.

— Участка вакилининг фаолияти кўп қиррали, — дейди у. — У бир вақтнинг ўзида ҳам терговчи, ҳам йўл назорати: ходими, ҳам малакали ҳуқуқшунос сифатида иш кўрмоғи лозим. Бунинг учун, энг асосийси, эринмаслиги лозим. Участка вакили эринчоқ бўлгани таомом, жиноятлар икки дунёда ҳам очилмайди. Тезкорлик бу касб эгасига айниқса сув билан ҳаводек зарур. Жиноятчи анойи эмас. Суствашлик қилинган жойда жиноятларнинг изи ёпилиб қолади. Кейинчалик уни очиб гоётда оғир кечади, кўпчилигида "қор ёғиб, излар босилиб кетади".

Тиниб-тинчимас йигитнинг кўксини ички ишлар маҳкамасида 10,15,20 йил бенуқсон ишлаганилиги учун медаллари, "Милиция аълочиси" кўрак нишони безаб турибди. Унинг аъло ва яхши хизматлари учун вилоят ва туман ички ишлар бошқармаси ва бўлиналарида берилган Фахрий ёрлиқлари ва мукофотлари бир талай. Вилоят ички ишлар бошқармасидаги "Ҳурмат тахтаси"га энг яхши ходим сифатида сурати илинган. 21 йилдан бери ўз касбига садоқат билан хизмат қилиб келатган бу ҳушмуомала йигит ҳақида жуда кўп нарсаларни ёзиш мумкин.

Шодимурод ажойиб оила бошлиғи ҳам. У тўрт нафар фарзанднинг меҳрибон отаси. Турмуш ўртоғи Қумри Абдуҳамидова кутубхона ходими. У турмуш ўртоғининг оғир ва машаққатли касбига кўникиб қолган. Тўнларни бедор ўтказишдан асло нолимайди. Очиғи, барча ички ишлар бўлими ходимларининг аёлларига осон тутиб бўлмайди. Шу ўринда уларга ҳам ҳар қанча тахсинлар айтилса оз.

М. ҚУРБОНОВ,
Иштихон туман ички ишлар бўлими бошлиғининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ёрдамчиси, милиция капитани.

С. ЗОҲИДОВ,
Самарқанд вилояти ИИБ шахсий таркиб билан ишлаш хизмати катта нозири, милиция майори.

Шу йилнинг январь ойидан бошлаб Ўрта Осиё темирйўллар бошқармаси поездга билет олиш учун паспорт кўрсатиш шартлиги тўғрисида қарор қабул қилган эди.

Хўш, бу қарор қандай амалга оширилмоқда?

Билет нархини ошириб сотувчи кимсаларга бу қарор тўсиқ бўла олди?

Қарор айрим жойларда ўз кучи-

Ҳалиги йигитлар эса тил топишган кишилардан қаргга, қачонга билет кераклигини сўраб, уларга билет олишар эди. Улар айнан шу мен навбатда турган 8-кассага кўпроқ келишарди. Бу ҳол бир неча бор такрорланди.

Кассада ўтирган опа эса йигитлар мурожаатига лаббай дегандек дарҳол ҳожатларини чиқарар эди. Ҳатто пул ҳам олмас,

8 - К А С С А

ни кўрсатаётгандир, лекин мустақил Ўзбекистон пойтахти бўлмиш Тошкентдек шаҳри азимда бу унчалик сезилмаяпти. Мана бу далилларни ўқиб, мен каби воқеага дуч келганлар тасдиқлашса ажаб эмас.

Тошкентга келиб ишларимизни бажариб бўлгандан сўнг олдиндан билет сотиш кассасига учраб, қайтиш учун "Тошкент-Андижон" поездига билет олиб қўймоқчи бўлдик. Кассага етиб келганимда соат 12 дан ўтган бўлиб, барча хизматчилар тушликка чиқиб кетишган эди. Тумонат одам, бирорта кассага яқинлашишнинг имкони йўқ. 8-касса юқорисига "Темирйўл ишчилари учун хизмат қиладиган касса", деб ёзиб қўйилган бўлиб, унда бор-йўғи беш-олтита одам бор эди, холос. Мен ички ишлар идораси ходими бўлганлигим сабабли илтимос қилсам берар деган умидда унга навбатга турдим.

Касса очилишига ўн дақиқалар қолганда беш нафар йигит кириб келишди. Башанг кийинган бу йигитлар кассахонанинг у бошидан-бу бошига бориб келиб, одамлар билан тил топишишга ҳаракат қилар эдилар. Кассалар бирин-кетин очила бошлади.

олғир йигитлар эса пулни кейин олиб келардилар. Паспорт ҳам керак эмасди. Манфаатсиз бу иш-ни ҳеч ким қилмаса керак, албатта. Қизиги шундаки, бу манзарани кўриб турган барча фуқаролар жим эди. Бу ерда ўз хизмат вазифасини бажарётган транспорт милицияси милиционерлари ҳам бундай савдоларни кўрмаётгандек. Шу вақтда кассир Гулнора опа бу йигитлар берган паспорт ва туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани адашиб бир аёлга бериб юборибди. Шундан кейинги томошани кўринг. Яхшиямки, уларнинг бахтига аёл нима сабабдандир қайтиб келиб қолди. Агар келмагандами... Бундай хангомалар пойтахтдек жойда рўй берарди.

Чиқарилаётган қарорларни ҳар бири ўз кучи ва амалиётдаги қўлланишини текшириб борувчи ҳуқуқ посбонлари бу ишларни лоқайд қолдирмаслиги зарур, албатта. Лекин бу қарорни чиқарган темирйўл бошқармаси бошлиқлари ўз ходимларининг юқоридаги каби ишлар билан шуғулланишига йўл қўйиб беришлари кечирилмас ҳолдир.

Қ.САМИНЖОНОВ.

Х А Б А Р Л А Р

Шаҳар пивохоналаридан бирида Данғара туманилик М. Азизов, Ф. Абдувалиев ва қўқонлик В. Алиев, И. Аминовлар шипга тутун пуфлаб гурунлашиб ўтирарканлар, гап айланиб машина ўғирлашга келиб тақалди. Улфатлар тезда гапдан ишга кўчдилар. Бозор олдида турган "Москвич" машинасини ҳайдаб қочдилар. Уни тинчитишди.

Кейинги "Москвич" эса ўғирларни бағрига олганча — касалхона ёнидан гоёиб бўлди. Учинчи машинани Янгикўрғон бозоридан ўмаришди.

ТАЛОНЧИ

Яшаш жойининг тайини йўқ фуқаролар ички ишлар идоралари назоратида бўладилар. Орган ходимлари уларнинг иш ва яшаш жойларини аниқлашга катта эътибор бериб, бундай "юришларига" йўл қўймасликка уринадилар. Имкон қадар уларни яшаш жойлари билан таъминлашга ҳаракат қиладилар.

Лекин бунинг ҳамма ҳам тушунавермайди.

Киров кўчасида яшовчи нафақадор Фариднинг уйига номаълум киши кириб, уни қўрқитганича минг сўмлик нарсасини олиб чиқиб кетади.

Тезкор гуруҳнинг олиб борган қидирув ишлари натижасида, юқорида айтганимиздек, яшаш жойи маъхум бўлган фуқаро Григорий С. бу жиноятни содир қилгани маълум бўлди ва ушланди.

Лекин охири қўлга олиндилар. Энди улар саккиз йил пивони фақат тушларида кўришади.

Улфатчи чор — Рафиқ Собиров, Фарҳод Мадумаров, Ҳаким Акбаров ва Абдуҷаъфар Рўзमतовларнинг кайф-сафоси узоққа бормади. Чунки чўнтакларини пучайиб дош беролмади. Улар пул топиш илнжидида кўчага чиқдилар. Кўчада пахта заводидан ишдан қайтаётган Абдусалом Киховга рўпара бўлдилар.

— Қани, "яримта"га чиқар-чи.

ГЎЗАЛЛИК НИМАНИ ҚУТҚАРАДИ!

"Дунёни гўзаллик қутқаради", деган экан Ф. Достоевский. Гўзаллиқнинг рамзи эса аёллардир. Лекин шу аёллар ичида ҳам ўғри, фирибгарлар борлигини эътиб ёқа ушлайсан, киши.

Фарғона шаҳар Коморава кўчасида яшовчи, ишламайдиган Елена Решитованинг "Сигнал" магнитофони ва 10 минг сўм пулини номаълум аёл алдов йўли билан олиб, яширинган. Шундан сўнг тезкор гуруҳлар томонидан олиб борилган ишлар якунида бу жиноятни содир этган "сарвақомат" аниқланди. Бу фарғоналик вақтинча ишламайдиган Вера Б. бўлиб чиқди. Ҳозирда тергов ишлари кетмоқда.

Яна шундай "сарвақоматлар"дан бири фарғоналик Насиба Т.дир. Бу аёл ҳам ҳеч қаерда ишламайди. Яқинда у ҳам ўз ҳамтовоғи билан, Янги Марғилон шаҳар Интернационал кўчасида яшовчи Альбинани уйига қўлларида совуқ қурол

— Нонга яраша пулим бор, холос, — деди Абдусалом.

— Унда курткангни еч.

Шу пайт машинада Абдусаломнинг акаси Алижон келиб қолди. Урта йўлтўсар қочиб кетди, кайфи тарақ Рафиқ қўлга тушди ва ўзини милицияхонада кўрди. Тез орада бошқа йўлтўсарлар ҳам тутиб олинди.

Улар куртка ўрнига етти-саккиз йилдак қамоқ жазоси олдилар.

Жиноятчи К. И. уйда қонунсиз ўқотар қурол

бўлмиш пичоқ билан киришди. Уни қўрқитиб 85 минг сўмлик шахсий буюмларини олиб чиқиб кетишди.

Тезкор гуруҳ ходимларининг олиб борган қидирув ишлари натижасида юқорида тилга олганимиз Насиба исмли аёл қўлга олинди.

ДАРОМАД ИЛИНЖИДА

Наркотик моддани инсониятга қанчалик зарар етказишини ҳамма билади. Лекин бунинг билан истеъмол қилувчилар ва уни ўстириб, мўмайгина пул ишлаб олаётганлар ҳаётимизда учраб турибди.

Яқинда шундайлардан бири, Фарғона туманилик нафақадор Т. Рўзमतнинг хонадонини кўздан кечирилганда 68,5 килограмм наша ва 1,5 килограмм кўкнор сақланаётганлиги аниқланди. Топилган моддалар далилий ашё сифатида олинди. Тез кунда якун топадиган тергов ишлари бу нарсалар қай мақсадда сақланаётганлигига аниқлик киритади.

ва ўқ-дори сақлагани учун уч йил "ўтириб" чиққан эди. Лекин бу камлик қилган экан. Шунинг учун уйини салкам қурол заводида айлантирди. Синчков милиция ходимлари тинтув ўтказишганда "Калашников" автомати, ярим тайёр тўппончалар, турли қурол чизмалари, қолиплар топилди.

У қуроллар қисмларини ясашда 22-мактаб устaxonасининг дастгоҳларидан фойдаланган экан. К. И. нинг "моҳир" қўллари кишанланди.

М. РАЖАБ.

Қўқон.

Яна шундай ишлар билан шуғулланаётганлардан бири тошкентлик Улғубек А. ва А. Жалоллардир. Бу икки шоввозлар Тошкентдан водийга шу мақсадда келишиб, 6,5 килограмм кўкнорини олиб кетишганда қўлга олиндилар. Уларни Қўқон-Тошкент йўлининг Данғара туманидан ўтувчи қисмидаги Чағали постида ДАН ходимлари фаш этишди.

БУРГАГА АЧЧИҚ ҚИЛИБ...

Марғилон шаҳар касалхонасида ҳамшира бўлиб ишловчи, Янги Марғилон шаҳар Интернационал кўчасида истиқомат қилувчи Зинулова Наила ички ишлар бўлимига ариза билан мурожаат қилди.

Аризада кўрсатилишича, унинг эри ўз уйига ўт қўйиб юборибди. Ўзаро жанжал оқибатида қасддан ўт қўйиш уларга қимматга тушди. Шу кунин уларнинг 162 минг сўмлик шахсий буюмлари ёниб кетди.

Фарғона вилояти ИИБ матбуот гуруҳи.

ЕМОҚНИНГ ҚУСМОҒИ БОР

Қочган ҳам худо дейди, қинғир ишга қўл урган ҳам. Шунинг учун қинғир одам қилмишини ниҳоятда пухта беркитади. Айниқса, бозор иқтисодиётига энди ўтилаётган пайтда савдо-тижорат, воситачилик фаолияти, ҳисоб-китоблар жуда чалқашди. Демак, бугунги кунда иқтисодий жиноятчиликка қарши курашувчилар бу фаолиятни миридан-сиргача чуқур би-лишлари лозим. Биз қуйида ҳикоя қиладиган қинғирлик ва қалбакиликларни очиб ташлаган милиция ходимлари Ўзбекистон Республикаси ИИБда хизмат қилишади. Улар ИИБ Тергов бошқармаси 2-бўлими бошлиғи, милиция подполковниги В. А. Осанов, катта терговчи, ми-

лиция подполковниги О. П. Бабенко, бўлими бошлиғи ўринбосари, милиция майори Р. А. Ғаниев, иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бошқармасининг ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили, милиция подполковниги В. Н. Белалов, тезкор вакил, милиция капитани И. В. Пегайлар ўз ишларининг ҳақиқий усталари эканликларини яна бир марта намойиш этишди.

Қанча-қанча узоқ-яқин шаҳарларга бориб-келиш, одамлар билан учрашиш, ҳужжатларни синчиклаб ўрганиш натижасида масала ойдин бўлди ва иқтисодий товлалчиликнинг давом этишига чек қўйилди.

Тўпланиб ётган катта сувнинг бирдан очиб юборилишини тасаввур қилинг. Сувнинг асосий қисми ўзан бўлиб оқса, қолгани ўзини қирғоққа уради. Тошган сув ҳам барибир ўзанга тушади, лекин то унгача йўлида учраган экин-тикинни пайхон қилиб зарар етказди.

Юрий Емелин ҳам бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қирғоқни кўзлаганлардан эди. У қандай қилиб бўлмасин шоша-пиша бойиб олмақчи эди, шу боис мақсадини амалга ошириш учун “Ўзбекистон 60 йиллиги” номли ширкат очди. Ширкат аъзолари хотини ва қариндошларидан иборат эди. Шундай қилиб, ширкат иш бошладди. Емелин ҳам қинғир ишларига дастлабки қадамини қўйди. Қинғирликларнинг боши эса ширкатда ишлаган-ишламаганларга маош ёзиб, бир бўлагини ўз чўнтагига солиш эди. Лекин бу кейинчалик оғзини эснагандан ҳам каттароқ очишга машқ эди, холос.

Ширкат ўз Низомига кўра, техника буюмлари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариши, аҳолига турли-туман маиший хизмат кўрсатиши, тижорат ва ташқи савдо фаолияти олиб бориши лозим эди. Лекин у ҳеч қандай маҳсулот ишлаб чиқармас, Емелиннинг режаси кўшни республикалардан чет эл техникасини келтириб сотиш эди. Бунинг учун катта пул керак, пул топиш учун ҳомий зарур эди. Хўш, ҳомийни қардан қидирса экан?

Мушкулни ширкатнинг соқчиси К. Ханиев осон қилди. У “Ташкомсобобанк”да ишловчи А. В. Обухов деганини танирдан. Емелинга ўхшаб Обухов ҳам банкда ўзини хон, кўланкасини майдон ҳисобларди, яъни бири ширкатда барча молия ишларини ўзи олиб борса, иккинчиси банкнинг тижорат директори ва бош ҳисобчиси эди.

Емелиннинг хотини Обухов билан учрашди. Обухов унга қандай қилиб кредит олиш ҳамда банкларга аъзо бўлиш йўллари тушунтирди. У 200 минг сўм кредит бериб, 10 фоизини ўзи олишга келишди. Кейинги ишларни ширкат раиси Емелин олиб бориши керак эди.

Лекин масаланинг қийин томони 10 фоиз пулни олдиндан чўзиб қўйиш керак эди, ишнинг тескарилигини қаранг! 20 минг сўм топиш учун Емелинлар қимматбаҳо нарсаларини сотишга мажбур бўлдилар, 10 минг тўпланди. Емелин пулни целлофан халтага солиди, зарур ҳужжатларни олиб, Пакусин

бошқарган машинада Обуховнинг ёнига жўнадилар. Бироқ Емелин банкдан бўшашиб чиқди, Обухов ҳозирча поранинг ярмини олиб туришга рози бўлмабди.

— Қолган ўн мингини мен қарз бериб тураман, — деди Пакусин.

Шундай қилиб, иш битди. Пора эгасига топширилиб, 200 минг сўм “Ўзбекистон 60 йиллиги” ҳисобига ўтди. Бу пора кредитни қайтиб бериш кафолат ҳужжати ўрнини ҳам босди, икки қинғир ўртасида шериклик ишларини бошлади.

Кейинроқ Обухов 12 минг сўм пора эвазига гўё ширкат ходимларига маош тариқасида 120 минг сўм олиб берди.

Аста-секин банкда ширкатнинг ҳисоб счёти ҳам очилди. Обухов Емелиннинг ишончли одами, раҳнамосига айланганди, уларига борди-келди қила бошлагандилар. Ширкат банкда кўплаб имтиёзлардан фойдаланар эди.

Емелин энди катта савдо-сотиққа киришса бўларди. Киришди ҳам. У Тошкентдаги “Ресурс” бошқармаси, “Прогресс” акционерлик жамиятининг инженер-техник маркази ва Гулистондаги “Экран” марказларига видеокассета, компьютер дискларни етказиб бериш бўйича шартнома тузди. Мазкур ташкилотлар ширкатга жами 813 минг 750 сўм пул ўтказдилар. Бироқ буюртмани қандай бажариш ҳали номаълум эди. Емелин ўйлай-ўйлай Россияга боришга қарор қилди ва раҳнамоси тер тўкаётган банкдан 200 минг сўмлик лимитланган чек дафтарчаси олиб “овга” отланди.

Емелин дастлаб Москвани кезиб кўрди, иши юришмагач, қардасан Санкт-Петербург дея йўлга тушди. Қадимий улкан шаҳар жойида экан. У ерда Р. О. Власов деган одам билан танишди. Власов маълум ҳақ эвазига ўртада даллолчилик қилишни зиммасига олди. Натижада “Эльф” ширкати билан алоқа ўрнатилди.

— Сени зўр бир одам билан таништираман, во! — деди Власов. У “во”га қўнғироқ қилди. Учрашдилар. “Эльф” ширкати раиси В. Ключин чиндан ҳам Власов таърифлаганича бор экан. У Санкт-Петербург давлат университетининг муаллими, бозор ҳамда қўролсизланиш муаммолари бўйича таниқли олим эди. “Эльф” ширкати электрон техника етказиб бериш ва ўрнатиш билан шугулланарди.

— Тошкентга учта компьютер керак, — деди Власов улар

кўришиб, ўтиришгач.

Ключин бир пас ўйланиб қолди ва жавоб берди:

— Кейинроқ топиб беришимиз мумкин.

Шунда Власов ўз режасини ўртага ташлади:

— Пул ўтказиш йўли билан олиб бўлмаяпти. Чет эллардан нақд пулга сотиб олиш мумкин. Бундай қилсак, меҳмон “Эльф” ширкатига 190 минг сўмлик чек ёзиб беради. Емелинга 133 минг-ни қайтарсак, менга 47 минг, сенга 10 минг қолади.

— Бўпти, келишдик, — деди Ключин.

“Эльф”нинг шефи гўёки учта компьютер сотгандай 190 минг сўм пул олди ва 133 мингини Емелинга қайтиб берди. Бу қинғир усул Емелинга ёғдай ёқиб қолди. Пулни пул топади деганлари рост экан. У қўлини совуқ сувга ҳам урмай ақча топишга тушиб кетди. Жумладан, Эстониянинг Тарту шаҳридаги “А и А” ширкати хўжайини билан қоронғулами ёки ёруғлами, ишқилиб, тил топишди. Емелин ёлғондакам 300 минг сўмга 6 та компьютер сотиб олишга шартнома тузди. Иккинчи марта 100 минг сўмга келишдилар. “А и А” ширкатига ими-жимиди 400 минг сўм ўтказиб берилди. Ширкат хўжайини эса Емелинга уни 300 минг сўм нақд пул қилиб қайтарди. Ўша пайтлар ҳамён ўрнига қоп кўтариб юрадиган замон эмас, балки рублнинг қадри баланд эди. Мана шундан ҳам Емелин қанчалик егани олдида, емагани кетидоё ёнида бўлиб, катта қадамлар билан яшаганини тасаввур қилиш мумкин.

Шунинг учун ҳам у Санкт-Петербургда ушланганда ёнидан ўқланган “Наган” револьвери чиққанига ажабланмаса бўлади. Тошкентдаги уйдан эса қирқма милтиқ топилиди.

Ковланган сари қатор-қатор қинғирликлар мана мен деб чиқиб келаверади.

Суд айбланувчиларнинг ноқонуний ишларини тарозига солиб кўрганда Ю. И. Емелиннинг қилмиши ўн икки, А. В. Обуховники — саккиз, Я. Г. Ключинники — саккиз, Р. О. Власовники — уч йил жазо тошига тўғри келди. Ҳаммаларининг мол-мулки мусодара қилинди. Ўзлаштирилган ва тергов, суд жараёни учун сарфланган маблағ улардан ундириб олинган бўлди. Емоқнинг қусмоғи ҳам бор, деб шунга айтишса керак-да!

Ориф ФАРМОН,
Мурод ТИЛЛАЕВ.

Бир ёнда мотам, бир ёнда...

Соат ўн бешлар чамасида Риштон тумани ички ишлар бўлими оператив навбатчисига Авазбой қишлоғи марказидаги дўкон олдида шу қишлоқда яшовчи Худойназаров Абдуқаҳҳорга қарашли енгил автомашина олиб қочилганлиги ҳақида хабар берилди. ИИБ бўйича оператив навбатчи, милиция майори Анваржон Султонов зудлик билан буни бўлим бошлиғига билдирди. ИИБ бошлиғи, милиция майори Баҳриддин Шаропитдинов, жиноятчиликнинг олдини олиш бўлини маси бошлиғи, милиция майори Муҳаммадрасул Абдурахимов, ДАН катта нозир, милиция лейтенанти Муроджон Абдашев, балогатга етмаган ёшлар билан ишлаш нозир, милиция катта лейтенанти Исоқжон Зарипов ва участка нозир, милиция кичик лейтенанти Ҳабибжон Мирзааҳмедовлардан иборат оператив-қидирув гуруҳи бир зумда воқеа содир этилган жойга етиб келишди. Воқеа тафсилотлари синчковлик билан ўрганилиб, жиноятни содир қилиши мумкин бўлган шахслар бирма-бир назардан ўтказилди. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, “Жигули” куппа-кундуз кунни қишлоқ ўртасидан олиб қочилгани учун жамоатчилик қучига таяниб иш кўриш, жиноятчилар шахсини аниқлаш ва қўлга олишда муҳим роль ўйнади.

Маълум бўлишича, Тошкент вилояти, Олмалик шаҳрида яшовчи, 1973 йилда туғилган, муқаддам ўғирлиги учун “ўтириб” чиққан Пўлат ҳамтовоғи, 1961 йилда туғилган Аҳмад (исмлар ўзгартирилган) билан текин ўлжа қидириб, бизнинг туманимизга ташриф буюришган. Қисқа вақт ичида ҳомий ҳам топишган экан. Туманимизда жойлашган “Нур” кичик корхонаси бошлиғи бу икки дайдини с ў р а б - с у р и ш т и р и б ўтирмасдан, паспорти қайд қилинмаганига ҳам қарамасдан, кичик корхонага радио ва телевизор устаси сифатида ишга қабул қилибди.

Қинғир мақсадли Пўлат ва Аҳмад орадан уч кун вақт ўтгач, тузукроқ ўлжани қўлга киритиш мақсадида қишлоқ кезишга чиқишди, йўл-йўлакай улар ўзларига шу кичик корхонада ишловчи, Капа қишлоқлик Алишерни

(исми ўзгартирилган) ўзларига шерик қилиб олишади. Аввалига бу уч жиноий гуруҳ аъзолари ўзларини дадил тутиш мақсадида, тўйиб спиртли ичимлик симиришади ҳамда бир-бирига туташ икки қишлоқ кўчаларини “разведка” қилиб чиқишади ва ниҳоят “нишон”ни кўз остига олишади.

Шу кунни Авазбой қишлоғида бир киши оламдан ўтган эди, қишлоқнинг барча халқи марҳумни охирги йўлга кузатиб қўйиш учун таъзияга йиғилгандилар. Худойназаров Абдуқаҳҳор ҳам ўзининг “Жигули”сида таъзияда хизмат қилиш мақсадида келган эди. Тобут қабристонга олиб кетилиб, катта кўчада эса фақат зангори рангли “Жигули” қолади, холос. Уч ўғрининг назари ҳам шу машинага тушди. Ўғрибоши Пўлат машинани кўрди-ю, шоша-пиша атрофга бир қараб, унинг рулига ўтирди. Лекин калит йўқлиги учун машинани ўт олдиrolмади. Шунда тоқати тоқ бўлган шериги уни рулдан тушириб юборди, қулф симларини чиқариб олиб, улади. Ўғрилар узоқ манзилга қараб йўл олишди.

Уч ҳаромтомоқ бамайлихотир ёқилги қуйиш станциясидан бензин олишди ва йўлда давом этишди.

Фаргона вилоят чегарасидан ўтиб, қўшни Тожикистоннинг Хўжанд вилояти ҳудудига ўтаётгач, улар энди барча тўсиқ ортда қолди, деб ўйладилар. Тезроқ Олмаликка етиб бориб, машинани қисмларга бўлиб, минглаб пулни “жарақ-жарақ” санаб олиш фикрида эдилар. Аммо Сирдарёни ортда қолдириб, шаҳардан чиқишда бирданига ўғриларни ДАН ходимлари тўхтатишди.

Улар ўғирлик ҳақида Хўжандгача хабар берилганини хаёлларига келтирмагандилар. Ҳа, кейинчалик ўғрилар, “биз милицияни бундай тез, ҳамжиҳат ишлашлари фақат кинолардагина холос, деб ўйлардик”, — дея афсусланишди.

Тожибой МАМАДАЛИЕВ,
Риштон тумани ИИБ терговчиси,
милиция катта лейтенанти.

Эминжон ОБИДОВ,
милиция капитани.

Бедарак йўқолганнинг тақдири ЙИГИТ ТОПИЛДИ!

Газетамизнинг шу йил 12 февраль сониде Бағдод тумани ИИБ томонидан Самандарак қишлоғилик А. Ҳожимул-лаевнинг қидирилаётганлиги тўғрисида хабар босилган эди.

Яқинда Тошкент вилояти ИИБга қарашли 1-сонли дайдиларни қабуллаш-тақсимлаш муассасасига Урта Чирчиқ туманидан дайди йигитни олиб келишди. Сўхбат жараёнида бу ўсмир қидирилаётган Абдуҳамид эканлиги аниқланди.

Тезда Фаргона вилоятидан йигитнинг ота-онаси чақирилди. Етиб келган ота-онанинг қувончини таърифлаш ўринсиз. Улар ҳатто ўғилларининг таъзиясига ҳам тайёргарлик кўриб қўйганликларини айтишди.

Бир дунё миннатдорлик сўзларига кўмилган муассаса ходимлари топишганларни уйларида кузатиб қўйдилар.

М. МИРХОЛИҚОВ,
А. КОМИЛОВ.

УРУШ ЙИЛЛАРИ ҲАНГОМАЛАРИ

НАРИГИ ДУНЁДА...

— Мориц, янгиликдан хабаринг борми? Геббельс кеча радио орқали сўзлаб, дивизиямиз аскарларига яқинда шоколад, икра, ва арок беришларини айтди.

— Геббельс у дунёда нима билан боқишларини қаёқдан билибди?

ШАРТЛИ РЕФЛЕКС

— Минно, кеча Руди командировкага келди. Унинг озиб-тўзиб кетганидан зўрға танидим. Ошхонага бошлаб киргандим, ўзидан кетиб қолди.

— Нега? Сабабини билдингми?

— Ҳа, кейин билсам, урушга кетгандан бери қозонни кўрмаган экан.

ГЕНЕРАЛЛАР СУҲБАТИ

— Бухарест остонасида дивизиянгизга қанча вақт командирлик қилдингиз?

— Билмадим. Соатимга қараганим йўқ.

МИНСК ОСТОНАСИДА

— Ганс, нега ўзингга ҳалитдан гўр қазиб олдинг?

— Мен бугун қилиш мумкин бўлган ишни ҳеч қачон ортга сурмайман!

АНИҚ АДРЕС

Чекинаётган фриц фельдфебелдан сўради:

— Жаноб фельдфебел, мен энди полкимни қаердан топаман?

— Асир тушинг. Ана шунда ўзингизниқиниям, бошқасиниям топасиз.

БЕРЛИН МАКТАБИДА

ЎҚИТУВЧИ: — Шундоқ қилиб, болалар, ўзингизни Шарқий фронтга — буюк Германия

учун жангга бориб қолдик, деб тасаввур қилинганлар-да, шу мавзуда иншо ёзишга киришганлар.

Орадан беш минут ўтди.

ЎҚУВЧИ: — Жаноб ўқитувчи, меники тайёр!

ЎҚИТУВЧИ: — Мунча тез? Шу қисқа вақт ичида нималарни ёздинг, Ганс?

ЎҚУВЧИ: — Васиятнома, жаноб ўқитувчи!

ИЗЛАР ВА ОДАМЛАР

— Жаноб полковник, менинг ротам партизанлар изига тушди.

— Бу жуда яхши. Табриклайман!

— Ҳа, бизлар партизанлар изига тушдик, партизанлар эса бизникига тушишди. Энди эса ротамнинг изи ҳам қолмади...

ТЎҒРИ ЖАВОБ

— Гитлер, Геббельс ва Геринглар Шимолий денгизда сузиб кетаяптилар, деб фараз қил. Уларнинг кемаси минага учраб, чўка бошлаган бўлсин. Қани, айт-чи, улардан ким халос бўлиши мумкин?

— Немис халқи!

ШУНИСИ ТЎҒРИ!

Бир чех Вацлав майдонидаги радиокарнайдан немис қўмондонлигининг ахборотини тингларди. Диктор мақтанчоқлик билан чўқтирилган кемалар, уриб туширилган самолётлар, асир тушган аскарлар ва босиб олинган ҳудудлар ҳақида гапириб бўлгач: “Эшиттиришимиз тугади. Ҳозир соат 12 дан 20 минут ўтди”, деди.

Чех билагидаги соатига назар ташларкан, тасдиқлади:

— Фақат шуниси тўғри!

Тўпловчи: Т. МУРОД.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Ички ишлар идоралари томонидан Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг масъул ходими, 1954 йилда туғилган Ҳабибулла Ғайбуллаевич Саломов қидирилмоқда.


У 1992 йилнинг 18 декабрида тахминан соат 13 ларда республика прокуратураси биносидан чиққан ва ҳанузгача дом-дараксиз.

Белгилари: бўйи ўртача — 175 см, оғир қоматли, елкалари тушган, юзи чўқирок, дўнг пешона, сочлари анча тўқилган, оқ оралаган, қошлари кенг ва ёйсимон, кўзлари бодомсимон, юқори қовоқлари шишган, бурни ўртача ва букки, танқайган, қора қалин мўйлови бор, лаблари ўртача қалинликда, иягида кичик чуқурчаси бор.

Уст-боши: эгниси қора рангли, йўл-йўл костюм, узун энгли оқ кўйлак, тўқ жигарранг галстук, оёғида Италияда ишланган илли қора туфли бўлган.

Алоҳида белгилари: юқори жағининг олдинги тўртта тиши йўқ, илгари олган жароҳатлари натижасида ўнг елкаси озгина кўтарилган.

Ҳ. Саломовнинг кейинги тақдиринан воқиф бўлганлардан бу ҳақда Тошкентдаги 371-2, 33-54-58, 56-77-48, 39-75-31



рақамли телефонлар орқали хабар беришларини сўраймиз.

Мукофот ва, зарурат туғилганда, хабарловчининг шахси сир тутилиши қафолатланади.

Ромитан тумани ИИБ томонидан бедарак йўқолган куйидаги фуқаролар қидирилмоқда:



Бобоқулов Умур Отақулович, 1954 йилда туғилган. У 1989 йилнинг 19 апрель кун ишхонасидан чиқиб, номаълум томонга кетган ва шу кунгача қаердалиги номаълум.

Белгилари: бўйи 170-175 см, гавда тузилиши ўртача, сочларига оқ тушган, бошининг чап томонида жароҳатдан қолган чандиқ изи бор.

Бедарак йўқолган кишилар ҳақида бирон-бир нарс билганлардан энг яқиндаги милиция бўлимига “02” рақамли телефон орқали хабар қилишларини сўраймиз.



Ҳалимова Нарзигул Каримовна, 1957 йилда туғилган. У 1990 йилнинг 11 июнь кун ишхонасидан чиқиб, нафар вояга етмаган боласини қолдириб кўчага чиқиб кетган ва шу кунгача қаердалиги номаълум.

Белгилари: бўйи 160-165 см, сочлари қора, узун, гавда тузилиши ўртача, жағининг юқори қисмида 8 донна тиши сариқ металл билан қопланган.

ИИБ Нақлиёт ички ишлар бошқармасининг Тошкент — Жанубий темирйўл шохбекатидаги тармоқ ички ишлар бўлими томонидан эр-хотин Мирхалиловлар — 1960 йилда туғилган Ҳусниддин Жалолиддинович ва 1962 йилда туғилган Ирода Маҳмадаминовна жиноят содир қилишда айбланиб, қидирилмоқда.



Ҳ. Мирхалиловнинг белгилари: бўйи 170-175 сантиметр, гавда тузилиши ўртача, сочи қора, пешонасидаги сочи тўқилган, мўйлов ва соқол кўйиши мумкин. Петр шляпа кийиб юришни ёқтиради.

Мавжуд маълумотларга қараганда эр-хотинлар ҳозирги пайтда ўз ташқи қиёфаларини жуда ўзгартириб юборганлар, бошқа ҳужжатлар билан новвойчилик қилишлари мумкин. Ирода республика шаҳарларида чайқовчилик қилиб ҳам юради.

Қидирилатган шахслар хусусида бирор нарс билувчилардан яқин ердаги милиция бўлимига ёки “02” телефони бўйича хабар қилишларини илтимос қиламиз.



Ирода Мирхалиловнинг белгилари: ўртача қоматли, куюқ қора сочли, юз тузилиши осие миллатига монанд.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Қибрай тумани ички ишлар бўлими бошлиғи муовини, милиция капитани Тошқужа Абдуқодировга отаси

Сидикхўжа АБДУҚОДИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.



ОЛҚИШ.

Х. ШОДИЕВ олган сурат.

ИККИ ВОҚЕАГА БИР ЎҒРИ

25 январь кун жиноят-қидирув ходимлари учун бирданига иккита ташвишли хабар келтирди: Ойдин Норматованинг уйига номаълум ўғри кириб, икки донна фотоаппарати, рўмол ва кийим-кечаклари, матоларини ўғирлаб кетган.

Жомбой шаҳрида яшовчи Нурмамат Ҳалимов ҳам ваҳима билан кириб келди: ўғрилари уйда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, бир донна қимматбаҳо аёллар жемперини ўмариб кетишибди.

Жиноят-қидирув бўлини маси тезкор вакили милиция катта лейтенанти Жамшид Мирбобоев дарҳол милиция участка вакили милиция

лейтенанти Олим Ҳамроев билан воқеа юз берган жойга боришди.

Суриштирув ишлари, шу ерлик фуқаролар билан суҳбат натижасида ўғри бир киши эканлиги ва кийган кийим, белгилари, бўй-басти аниқланди. Маълум маълумотларни ўрганиш натижасида айтилган шахс аниқланди. Кечга яқин қўлга тушган Жомбой шаҳрида яшовчи, илгари ҳам ўғрилик учун ушланиб, терговда юрган, ҳеч ерда фойдали меҳнат билан шугулланмайдиган Ю. М. айбига иқроор бўлди.

Бундан ташқари у 1992 йили қилган ўғирликларини ҳам бўйнига олди.

туман ишлаб чиқариш корхонасида чилангар бўлиб ишлайди, илгариданоқ ўзининг кингир қадами билан милиция назарига тушган эди.

Б. МАННОНОВ,

Самарқанд вилояти, Жомбой тумани ИИБ жиноят-қидирув бўлини маси бошлиғи.

БИЛИМИНИ ОШИРМОҚЧИМИКИН?

Математика, айниқса электрон ҳисоблаш усулларидан мутлақо беҳабар ўғри Б. Н. Жомбой шаҳрида жойлашган 40-сон ўрта мактабдаги ўқув комбинатидан ўзигагина маълум сабаб билан кечаси икки донна ЭХМни ўғирлаб кетади. Б. шу ердаги

- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очик эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси тахририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021. Буюртма Г — 244, 34,739 нусхада босилди. Ҳажми — 2 босма табоқ. Босилиш — офсет усулида. Босишга топшириш вақти — 19.00. Босишга топширилди — 19.00.

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир — 39-70-40, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул котиб — 59-29-66, мухбирлар бўлими — 59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.

Мухаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700029, Тошкент, Г. Лопатин кўчаси, 1.